

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ШУКРОНА

НАҚАДАР ТОТЛИСАН, ОЗОДЛИК!

12 сентябрь одатдаги кунлардан бири эди. Осмон тиник, қуёш нур сочиб турибди, қушлар сайрапти, одамлар ўз ташвишлари билан юришибди. Дарёқе, одамлар... Одам Ато замонидан бери эҳтиёж уларнинг йўлдоши. Мана шу моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун улар ўзларини ўтга-қўққа урадилар, заҳмат чекадилар. Барча саяё-ҳаракат қонун доирасида амалга оширилса, ҳеч кимнинг ҳеч кимга эътирозий йўқ. Аксинча бўлса, ғайриқонуний хатти-ҳаракат албатта жазосиз қолмайди.

12 сентябрь жазони ижро этиш муассасаси ҳовлисида саф тортиб турган 53 нафар маҳкум ҳаётида, гарчи баъзилари қалбидаги ҳаяжон

ва туғёнлар оғушида моҳиятни тўлиқ англамаган бўлсалар-да, унутилмас кун бўлиб қолади. Улар Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг амнистия ҳақидаги фармониغا асосан жазодан озод қилинганлар. Шу кунги собиқ маҳбуслар билан хайрлашув маросими бўлиб ўтди. Унда муассаса бошлиқлари, ички хизмат подполковниги С.Худойбердиев, ички хизмат подполковниги З.Убайдуллаев, махсус прокурор Ҳ.Икромов ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишди. Юқоридаги ЖИЭМлар маъмурияти томонидан етарли озиқ-овқат ва йўлқира билан таъминланган собиқ маҳкумлар махсус автобусларда

уйларига жўнаб кетдилар.

Маросимда махсус прокурор Ҳаким Икромов айтган бир гап кўпчилиқ собиқ маҳбусларнинг кўнглидан кечган бўлса ажаб эмас. «Энди сиз билан бу ерда ҳеч қачон учрашмайлик» деди прокурор. Озодлик деган тотли сўзнинг буюқ қадри ҳаммани шунга ундайди.

Бу хизмат сафарига бўлганимда кўрган-билганларим. Хали мамлакатимизда ушбу нажотбахш фармон ижросини қутаётган кўнгиллар қанча. Омонлик бўлса, бу кўнгилларда ҳам бир кунги байрам бўлажак.

Ҳасан НИШОНОВ,
«Хуқуқ» мухбири

ФАРМОН ВА ИЖРО

Бағрикенглик, саховатпешалик, мурувват, гина сақламаслик, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли, инсоф-диёнатли бўлиш ўзбек халқидаги хос бўлган юксак инсоний фазилатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 6 сентябрда эълон қилинган «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»-ги Фармони ҳам ана шу бағрикенгликнинг яна бир яққол намунаси десак, муболага эмас. Адашган кимсага, агар у чиндан ҳам адашган бўлса, тўғри йўл кўрсатиш савобли ишдир. Шу маънода юртбошимизнинг ушбу Фармони Наманган вилоятида ҳам ўз самарасини бера бошлади.

Яқинда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига билиб-билимай, ёшлиқ қилиб, кимларнингдир ёлгон-яшиқ гаплари, алдов-найрангларига учиб, террорчилар гуруҳларига адашиб кириб қолган, чет элларда сарсон-саргардон юрган ёшлардан ўч нафари ўз қилмишидан пушаймон эканини билдириб, авф сўраб мурожаат қилди. Бу шахслар аввал давлатга қарши жиноят қилганлиқда айбланиб, жиноят ишлари кўзгатиладиган ва қидирув эълон қилинганди. Вилоят прокурорининг қарори билан уларнинг ёшлигини, оғир жиноят содир этмаганлиги, адашганлиги ҳисобга олиниб, Президент Фармониغا асосан жиноий жавобгарликдан озод этилдилар.

Абдурахмонов Маҳмуд 1980 йилда Наманган шаҳрида туғилган, ҳеч

қаерда ишламаган.

Қамбаров Абдувоҳид 1975 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Наманган туманидаги «Соҳибкор» жамоа ҳўжалигида пудратчи бўлиб ишлаган.

Абдулло Абдурахмонов 1964 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Аввал хусусий тадбиркорлик билан шуғулланган. Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

Кечирим сўраб келгунга қадар улар Россия Федерациясида қочиб юришган.

Юқоридаги ёшлар мустақил давлатимиз таракқиётини кўра олмаётган айрим ғаламис кимсалар қўлида қўнғирқоч бўлишаётганини онгли равишда англаб етдилар ва кечирим сўраб келдилар. Президентимизнинг чексиз мурувватидан баҳраманд бўлиб, яна ўз оилалари бағрига, тинч меҳнат кучоғига қайтдилар.

Мен бу йўлга адашиб кириб қолдим, - дейди Абдулло Абдурахмонов. - Ватанимдан четда, Россияда қийналиб, нима қилишимни билмай юргандим. Президентимизнинг биз каби ўз қилмишидан пушаймон чекиб юрган ёшларни кечириб ҳақидаги Фармонларини эшитдим, дарҳол уйга қайтиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига мурожаат

қилдим. Бу ерда онам билан мени яхши кутиб олишди. Вилоят прокурори мени жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида қарор чиқарди. Жуда хурсандман. Президентимиз-

дан миннатдорман. Бундай Фармон бошқа биронта давлатда чиқарилгани йўқ. Юртбошимизнинг саховатпеша инсон эканликлари туфайли бизга мана шундай имконият иккинчи мартаба яратиб берилди. Энди асло бу йўлга қирмайман. Халқимга, Ватанимга, Президентимга садоқат билан хизмат қилиб, гуноҳларимни юваман.

Дарҳақиқат, «Эгилган бошни қилич кесмас», дейди доно халқимиз. Шундай экан, ўз қилмишидан афсус - надомат чекиб, ёт ерларда она юртнинг бир сиқим туپроғига зор бўлиб юрган, оиласини, маҳалласини, Ватанини қўмсаётган, адашган ёшларга айтар сўзимиз битта: «Ўзга юрда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл», деган ота-боболаримизнинг пурҳикмат нақли бор. Юртбошимиз сизларга жуда катта мурувват кўрсатиб, яна бир бор имконият яратиб бердилар. Бу қўлайликдан албатта фойдаланиб қолинг. Билиб қўйинг, ўзбекнинг бағри кенг. Сизни кечиради»

Шухратбек ДЕҲҚОНОВ,
Наманган вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг «Динён» газетаси бош муҳарири

ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ ТОПШИРИЛДИ



Россиялик таниқли теннисчи Марат Сафин «Президент кубоги - 2000» турнирида голиб чиқди. Бу ёрқин галаба 20 ёшли иқтидорли теннисчига АТР таснифи бўйича америкалик машҳур теннисчи Пит Сампрасни ортда қолдириб, биринчи ўринга чиқиш имконини берди. **Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВ танатанали вазиятда турнир голибига бош совринни топширмоқда.**

(Тафсилотлар билан 8 - саҳифада танишасиз)
(Мухаммад Амин олган сурат)

ЯНГИЛИК

«ХУҚУҚ» ИНТЕРНЕТДА

Одамзот таққилланган нарсани билишга қизиқади дейишади. Менимча, бунда таққилланган нарсасига эмас, инсоннинг қизиқувчанлигига ургу берсак тўғрироқ бўлар эди. Негаки, шу қизиқувчанлик бўлмаганда эди, турмушдаги бугунги таракқиётга эришмаган бўлардик.

Бир пайтлар ота-боболаримиз чопарлару хабарчи каптарлар хизматига қаноат қилиб яшаса яшагандир, шу кунларда

ҳам мамлакатимизнинг чекка қишлоқларига оддий телефон тармоғи етиб бормаса бормагандир, бироқ бугун, эрталабки хабар тушга бориб эскириб қолаётган замонда турмушимизни интернетсиз тасаввур қилиш қийин.

Хўш, интернет нима ўзи? Ин-

тернет — халқаро ахборот тармоғи бўлиб, унга асримиз ўрталарида АҚШда асос солинган. Дастлаб АҚШ мудофаса вазирлиги тизимида ишлатилган бу тармоқ бугунга келиб дунёнинг аксарият мамлакатларини бири-бирига боғлаб турувчи асосий воситага айланди. Айни кунлар

да интернетнинг миллионлаб мижозлари қаторига тахририя-тимиз ҳам қўшилганлиги биз учун қувонарли ҳол. Энди бизда дунёнинг исталган мамлакатиди юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ўша дақиқанинг ўзидаёқ ахборот олиш имконияти бор. Газетанинг асосий вазифаси

ўқувчиларга ахборот етказиш экан, юзага келган бу имкониятни таърифлаш-тавсифлашга тил охири!

Энг янги хабарлар, шарҳлар билан танишиб бораёй десангиз газетамизни мунтазам ўқиб бординг, азиз муштарийлар.

«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетаси бирлашган тахририяти

Интернет тармоғидаги адресимиз: huquq@mail.UzNet.NET

ҲУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов,
Комилжон Исмоилов,
Ботир Пўлатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исмолов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи - 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Ғуломов
кўчаси, 66-уй.
Телефон: 133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма
ва суратлар эътиборга
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Нашримиздан қўчириб
босилганда «Ҳуқуқ»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси остида
чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II MMX - 333
компьютеридида саҳифаланди.
Саҳифаловчи Б. САИДОВ.
«Ҳуқуқ» оригинал-макети

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г - 852
Нусхаси — 13929

Босмахонага топшириш
вақти 20.00
Босмахонага
топширилди 21.30

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Навбатчи муҳаррир:
Ҳ.НИШОНОВ
Навбатчи: Н. МАҲМУДОВ
Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

Ўзбекистон Республикаси
Прокуратураси ахборот
марказидан хабар қилиш-
ларича, 11 сентябрь кун
Самарқанд вилояти Жом-

ПОРАХҲҮР
ҚҲЛГА ТУШДИ

бой тумани суди раиси
Зафар Отакулов ўз хизмат
хонасида фуқаро Ф.Абду-
рахмоновадан чет эл ва-
лютасида пора олаётган
пайтда прокуратура ва
милий хавфсизлик хизма-
ти ходимлари томонидан
қўлга олинди.

Республика Прокурату-
раси томонидан З.Отаку-
лов қамоққа олинди. Унга
нисбатан жиноят иши
қўзғатилиб, тергов ҳара-
катлари олиб борилмоқда.

(ЎЗА).

ИНСОНПАРВАРЛИК

МАҲКУМЛАР ОЗОД
ЭТИЛДИ

Репортаж

Тергов хибсхонаси. Мажлислар
зали. Бир неча маҳкумлар ўтири-
шибди. Уларнинг ҳечасидан ма-
нуният ва ички бир қониқибш ало-
матларини илғаш қийин эмас
эди. Орадан кўп ўтмай ҳуқуқ-тарти-
бот идоралари масъул ходимлари,
журналистлар, жамоатчилик вакил-
лари ҳозир бўлишди.

- Биласизлар, яқинда Республи-
камиз Президентининг «Амнистия
тўғрисида»ги Фармони эълон қилин-
ган эди, - деди муассаса бошлиғи
Б.ПАРДАЕВ. - Биз қонун талабига
қўра ана шу Амнистия таъсир дои-
расига қирадиган биринчи гуруҳ
маҳбусларни ҳазони ўташдан озод
қилишга тавсия этганмиз. Улар ўн
кишидан иборат.

Шундан сўнг мулоқотни вилоят
прокурорининг ўринбосари **Бозор-
бой ҚОДИРОВ** давом эттирди.

- Ҳаммаларингизга маълумки,
яқиндагина Республикада Муста-
қиллигининг 9 йиллигини кенг ни-
шонлади, - деди у. - Шу муносабат
билан мамлакатимиз Президентига
«Амнистия тўғрисида»ги Фармони
имзо чекдилар. Бу эса бизнинг
қонунларимиз инсонпарварлик руҳи
билан суғорилганлигини яна бир
бор исботлади. Зеро, қонуннинг
мақсади ҳам инсонни жазолаш эмас,
балки тарбиялашдир.

Кимдир тушунмасдан, баъзилар
этиборсизлик туфайли, яна биров
адашиб жиноят содир этган бўлиши
мумкин. Бундай кишилар кейинча-
лик ўз қилмишларидан афсуслана-
дилар, деб ўйлайман. Сизлар ҳам
ўзларингизга тегишли ҳулоса чиқариб
олган бўлсаларингиз керак, - деди
Б.Қодиروف залда ўтирган маҳбус-
ларга қарата.

— Бу ердан қимбат уйга борганла-
рингдан кейин туман ҳокимликлари
қошидаги ижтимоий кўнма мар-
казига бориб учрашинглар. Сизлар-
га белгиланган миқдорда моддий
ёрдам кўрсатилади. Сўнг ўз касб-
корларингизга мос иш топиб, фой-
дали меҳнат билан шугулланишлар-
ингиз лозим. Шунинг унутмангки,
амнистия иккинчи мартаба қўлла-
нилмайд.

Сизларга катта ишонч билдири-
лаяпти. Бу ишончнинг ўзларингиз
ҳалол меҳнатларингиз ва яхши ҳул-
қатларингиз билан қўлайсизлар, деб
умид қиламиз.

Қамоққа олинганларни сақлаш
ва ҳазони ижро этиш жойларида

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври айрим таш-
килот ва корхоналар учун бирмунча қийин кеча-
япти. Ҳаттоки, айрим ташкилот ва корхоналар
иқтисодий ночорлик оқибатида «банкрот» деб
эълон қилинмоқда. Бу ҳам бозор қонуни.

Лекин ишнинг кўзини билган раҳбарлар вақ-
тинча қийинчиликлардан қўтулиш йўлларини ах-
тариб, ўз корхонасини қайта тиклашга тгани ҳам
бор гап.

«Беш бармоқ бирдек эмас» деганидек, айрим
корхона раҳбарлари иқтисодий қийинчиликлар-
ни баҳона қилиб, ўз қарамоғидаги ишчиларни
ноқонуний равишда ишдан бўшатишга бораёт-
гани ҳеч кимга сир эмас.

Бундай қонунбузарликлар Бўзатов тумани газ
тақсимлаш корхонасида ҳам рўй бермоқда.

Туман газлаштириш корхонаси бошлиғи Сар-
сенбой Бекимбетовнинг 2000 йил 10 мартдаги
буйруғига мувофиқ шу корхонанинг газ тақсим-
лаш устаси Аблезов Жумабой, слесарлардан Кун-

назарова Гулзира, Биекеева Пердегул, Айтжонов
Абат, қоровуллардан Умирбеков Утебой, Беким-
бетов Кунисбойлар ноқонуний равишда ишдан
бўшатишган. Бу фуқароларнинг шикоят аризаси-
га асосланиб текшириш ўтказилганида корхона
раҳбари томонидан қонун талаблари қўпол ра-
вишда бузилганлиги аниқланди, яъни иш жойи-
нинг қисқартирилишига боғлиқ буйруқ чиқарил-
масдан икки ой олдин ёзма огоҳлантириш берил-
маган.

Шунинг билан бир қаторда Ўзбекистон Республика-
си Меҳнат Кодексининг 105-моддасига асосан ходим-
нинг меҳнат стажини ҳисобга олмаганлиги сабабли
корхона раҳбари С.Бекимбетовнинг 10-сонли буйруғи
ноқонуний деб топилиб, бекор қилинди ва Ж.Аблезов,
Г.Кунназаров, П.Биекеева, А.Айтжонов, У.Умирбеков,
Қ.Бекимбетовларнинг аризалари тўла қаноатлантирил-
ди.

Собит ЮСУПОВ,
Бўзатов тумани прокурори,
1-даражали юрист

АТТАНГ!

УЯТ-Е, ОТАХОНЛАР!

Яқинда Иштихон туман судининг очиқ суд мажлисида иштирок этаётиб,
қўзим кўнмаган жараёнга дуч келдим. Негаки, айбдор деб топилган
туртта судланувчининг барчаси оппоқ соқоли отахонлар эди.

Бирини биридан «ибрат» олиб иш кўрган, 70 ва ҳатто 90 ёш арафасида
бўлган Элмурод Суяров, Уроқбой Хидиров, Гулмурод Тўхлибоев, Абдурах-
мон Нурматовлар ўз томоқларидида пиёз, бўғдой ва бошқа экинлар
орасида қонун билан тақиқланган кўкнор ўсимлигини ундириб, парвариш-
лаганлар.

Иш кўриш жараёнида отахонларимиз вужудда кечаётган изтироб ва
пушаймон ҳар сония сезилиб турди. Бирок, нима ҳам дердик, қонун
ҳаммамиз учун баробар-да!

Барча отахонлар суд ҳукмига қўра айбдор деб топилди. Қалтис ишга
қўл урган Гулмурод ота Тўхлибоевга нисбатан бир йиллик синов муддати
белгиланди. Қолган судланувчилар ЖКнинг 270-моддаси 1-қисмига қўра
жазоландилар. Яъни уларнинг ҳар бири давлат фойдасига энг кам ойлик
иш ҳақининг 25 баробари миқдорида жарима тўлади.

Ҳа, тўғри, ундирилган жарима қиймати от билан туя бўлмас. Бирок,
суднинг қора курсисига бошлаб келган гайриқонуний хатти-ҳаракатлар
етказган маънавий зарарларни қандай қоплаш мумкин?

Уларнинг доно фикр ва маслаҳатлари билан хайрили ишларимизга
бош-қош бўлиш ўрнига бу қадар ноҳўя йўл тутган отахонларимиздан
ёшларимиз қандай ибрат олишаркин?

Маъруфжон ҲУЖАМКУЛОВ,
Иштихон туман прокуратурасининг иш ўргатувчиси

МАДАТЛАБ МАКТУБ

СУВГА ЗОРМИЗ

Қишлоғимизда жами 152 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда 282 киши
истикомат қилади. Сизларга умид билан мактуб йўллашимизнинг боиси
шундаки, қишлоғимиз аҳолисини неча йиллардан бундан бир муаммо қийнаб
келмоқда.

Қишлоқдаги бирорта ҳам хонадон табиий газ билан таъминланмаган.
Бу ҳақда орзу қилмай қўйдик. Электр чироклари қуввати камлигидан аранг
қизариб туради.

Йўлларимиз ёзда чанг-тўзон, қишда тизза бўйи лой бўлишини айтмасак
ҳам бўлар. Инсон ҳар нарсасига қўнқар экан. Аммо...

Мана қарийиб 4 ойдики, қишлоқ аҳолиси ичимлик сувида ҳам маҳрум
бўлди. Қишлоғимизда 70 - йилларда келтирилган сув қувури орқали
санокли жўмрақлардан кунига 1-2 соат сув чиқиб турарди. Яқинда шундан
ҳам маҳрум бўлдик.

Бу ҳақда ҳўжалик раҳбари И.Азизова бир неча бор мурожаат қилгани-
мизга қарамай, ҳануз бирор амалий иш қилинган йўқ. У киши фақат қуруқ
вазда беришдан нарига ўтмаяпти.

Эшитишимизча, қўшни ҳўжаликларнинг сув келтирилмаган чекка қиш-
лоқларида кўнма йилларда сув ташиб тарқатилар экан. Бизда ҳатто шу
ҳам йўлга қўйилмаяпти.

Ҳурматли таҳририят, ушбу муаммони ечишда бизларга ёрдам берсан-
гиз.

Ш.ЭРМАТОВА, З.ОМОНТУРДИЕВА,
Сурхондарё вилояти, Музработ тумани,
«Туркистон» деҳқон ҳўжаликлари уюшмаси,
Елғизбой қишлоғи



Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири.

БИЗНИНГ СУХБАТ

«ЖИНОЯТНИНГ ИЛДИЗИ ЛОҚАЙДЛИКДАДИР»

дейди Музработ туман прокурори, адлия маслаҳатчиси
А. НАЗАРОВ муҳбиримиз билан мулоқотда

— Абдуализ ака, қишлоқ хужали-
ги соҳасида иқтисодий ислоҳотлар-
ни жабдалаштириш ҳозирги давр-
нинг энг долзарб муаммоларидан би-
ридир. Бу мақсадада эришни аввало,
ҳақиқий эр эгалари — мустақил фер-
мерлар ҳаракатини ҳар тўмонлама
қўллаб-қувватлаш ва улар йўлидаги
капта-кичик тўсиқларни олиб таш-
лашга боғлиқ эканлиги аён бўлиб
қолди. Бирок афсуски, ақсарият қиш-
лоқ мулкдорлари ҳукуқий ва амалий
ёрдамга муҳтождир. Ана шу борада
туман прокуратураси қандай ишлар
қилияпти?

— Вилоят прокурори топишириги-га биноан барча туман прокуратура идораларида ҳар ойнинг биринчи ва охириги шанба кунлари «Тадбиркор-лар кун»и» деб эълон қилинган ва унинг ижроси алоҳида назоратга олинган. Мақсад деҳқон, фермер ҳужуқлари ва тадбиркорларга до-имий равишда ҳуқуқий ҳамда амал-ий ёрдам кўрсатиб боришдан ибор-атдир. Шахсан мен ҳам шу тоифа-даги кишиларни ҳар кун ҳафт-а қилишни йўлга қўйганман. Улар ҳо-ҳаган пайтда, эълон масалаларга бўйича мурожаат қилишлари мум-кин. Мулкдорларга ҳаммша ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатишга тайёр-миз.

Албатта, вақти-вақти билан қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотларни ривожлантириш ва шартнома интизомини мустақамлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан текширишлар ҳам ўтказиб бораёямиз. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида ҳал қилиш бораида зарур чоратadbирлар кўрилмакда.

Текширишлардан бири жараёнида туман давлат Солиқ инспекцияси томонидан «Лочин-1», «Шодмон» «Рустам» ҳамда «Ҳамид» фермер ҳўжаликлари ҳисоботлари ни белги-ланган тартибда тақдими этмаганли-ги сабабли уларнинг банк муассаса-ларидаги ҳўсб рақамлари ҳарака-т-дан тўхтатиб қўйилганлиги аниқлан-ди ва тезда уларнинг ҳисоботлари топширтирилиб, банкдаги опера-циялари давом эттиришга рухсат этилди.

«Музработпахта» очик турдаги хиссдорлик жамияти «Шодмон» муштакил фермер ўхжалигидан 1997-1999 йиллар мобайнида кўрсатилган транспорт хизмати учун 1 миллион 795 минг сўм миқдорда қарадор бўлиб, уни тўламай келаётган экан. Шун ҳолат қозасидан тегишли ўхжатлар тўлиниб, фермер ўхжалиги манфаатларини кўзлаган ҳолда вилоят ўхжалик судига даъво аризаси киритилди.

Туман прокуратурасига «Қўнғирот» деҳқон ҳўжаликлари уюшмасидан ажралиб чиққан бир гуруҳ мутақил фермерлар ўзларига қарашли далалар вақтида су билан таъминланмаётганиги ҳақида ариза билан мурожаат қилишди. Бундай норозиликка сабаб бўлган вақтар тегишли масъул раҳбарлар ва ариза муаллифлари иштирокида атрофлич ўрганиб чиқилди ҳамда зарур прокурорлик таъсир чоралари қўрилиб, фермерларнинг далаларига ҳам нав-бат билан су этказиб бериш масаласи ҳал этилди.

лари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан тумандаги бир қатор хўжаликларда умумий назорат тартибида текшириш ўтказган экансизлар. Ана шу текшириш якуни тўғрисида нималар дея оласиз?

— Туман прокуратурасида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳар ярим йилда умумлаштирилмоқда. Натижада аризалар кўп тушган т.м.даги «Туркистон», «Кўнгирот», А.Қодирӣ ҳўжаликларида «Фуқароларнинг муурохаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Ўтказилган текширишларда мазукур қонун талаблари бузилганлиги аниқланди. Жумладан, ҳўжаликларнинг маъмурий идоралари биносида фуқароларни қабул қилиш жадвали йўқлиги, берилган ариза ва шикоятлар қайд қилиш китобларида қайд қилинмаётганлиги, аризалар ўз вақтда қўрилмаганлиги ва айрим ҳолларда жавоблар ҳам берилмаганлиги аниқланди.

Шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида «Туркистон» ҳужалиғига жами 237та ариза ва мурожаат келиб тушган бўлиб, уларни кўриб чиқишда юқорида зикр этилган қонун талаблари қўпол равишда бузилган. Томорқа бериш тўғрисида ёзилган айрим аризалар ўз вақтида ҳал этилмаган. Бунинг устига натижаси ҳақида ариза муаллифларига умуман жавоб берилмаган. Бу билан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 11- ва 7-моддалари талаблари бузилган. «Кўнгирот» ва А.Қодирий номи ҳужалиқларда ҳам худди шунга ўхшаш қамчиликлар аниқланди. Бу эса туман ҳокими номига қонунбузилиш сабаблари ва унинг содир этилишига олиб келган шарт-шароитларни батараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишга асос бўлди.

— Ҳозирги даврда диний экстремистик оқимларга қарши курашиш ҳар биримиздан огоҳлик ва фаолликни талаб этмоқда. Бу борада прокуратура идоралари зиммасига ҳам катта масъулият юкланган.

— Биз бу масъулиятни бир
дақиқа ҳам унутмаймиз. Бунга
ҳаққимиз ҳам йўқ. Бундай нозик
масалалар ҳушёрлик ва яна бир
бор ҳушёрликни талаб этади.

Бу борада ҳуқуқий тарғиботи ишларига алоҳида эътибор бера-
япмиз. Шу ниятда жамоатчили-
ғи ўрасида кенг тушунтириш ишари
олиб борилмакда. Ғуққороларга
зарарли диний экстремистик ғоя
ва қарашларнинг асл моҳияти ба-
тафсил тушунтирилаётир. Кейинги
пайтларда туман ички ишлар бўли-
ми, миллий хавфсизлик хизмати
бошлиқлари, туман ҳокимлиги, ҳаққ
таълими бўлими раҳбарлари билан
хамкорликда Халқобод, Ободон,
Бешкўтон, Музрбот ғуққоролар йи-
гинлари ҳудудидаги бир неча ма-
ҳалла ва мактабларда шу мавзуда
урашувлар ўтказилди.

Афсуски, олиб борилаётган тар-
ғибот-ташвиқот ишларидан барча
ўзига тегишли хулоса чиқараяпти
деб бўлмайди. Барибир ўз билга-
нидан қолмаётган, қалтис йўлга
қадам босаётган кимсалар ҳам йўқ.

змас. Туманда яшовчи Саидали Икромов, Нурилло Муҳиддинов ва Исроил Пардаевлар «Ҳизбут-таҳрир» диний экстремистик оқими тарафдорлари сафида фаол қатнашганлари учун жиноий жавобгарликка тортилиб, қamoққа олинди-лар.

— Тумандаги жиноятчиликнинг аҳволига қандай баҳо берасиз? Бу борадаги ишлардан кўнглингиз тўлаяптими?

— Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида жиноятчиликнинг умумий сони 18 фоизга камайган. Лекин туманда гиёвандлик билан боғлиқ жиноятлар содир этилмоқда. Тумад ҳудуди Афғонистон ва Туркманистон давлатлари билан чегарадош бўлганлиги туфайли кўплаб «героин», «опий» гиёвандлик воситаларини ноконуний таразда олиб ўтиш ва сотиш билан шуғулланган кимсалар аниқланган, жиний жавобгарликка тортидлар. 2000 йилнинг 6 ойи мобайнида 14 та кўшни давлатлар фуқаролари гиёвандлик воситаларини олиб ўтиш ва сотиш билан шуғулланганликлари учун жиний жавобгарликка тортилганлар. Булардан ташқари, ўғирлик жинояти ҳамон ўсиб бораётганлиги таъвишли ҳолдир. Асосан мол ўғирлиги кўплаб содир этилмоқда, ҳатто от ўғирлари ҳам чиқиб қолишди. «Чорвадор» маҳалласида яшовчи Хуррам Нодировнинг ҳовлисида боғлоқлик турган от ўғирлаб кетилган. Қўрилган чора-тадбирлар натижа-сида жиноятчилар қўлга олинди. Буноқол кимсалар А.Набиев номли ҳўҳўлида яшовчи Илғари ҳам шу турдаги жиноят содир этган Ботир Норқўлов ва шериги Баҳром Алиёров бўлиб чиқшди.

— Бундай жиноятнинг қупайиб бораётганлигига сабаб нима деб ўйлайсиз? Лоақал ўғрилар шаштини қайтариш учун нима қилиш керак?

—Туман ички ишлар бўлиги раҳбарлари билан ҳамкорликда ўғирлик жиноятларнинг олдини олиш учун жойларда йигинлар ўтказиб юораяпмиз. Мақсад — маҳалла ва меҳнат жамоалари фаоллигини оширишдир. Шу тур жиноятлар кўплаб содир этилаётган маҳаллаларда йигинлишар ўтказилиб, бепарварлик қандай оқибатларга олиб келиши жамоатчиликка тушунтирилмоқда. Чунки шу лоқайдлик оқибатида бир тарафдан мулкни ўғирланган фуқаро азият чекса, иккинчи томонда эса шу ўғирнинг қавму-қариндошлари, оила аъзолари ва унинг ўзи халқ олдига юзи қора бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш ҳамда муқаддам судланганлар ўртасида профилактик ишларни олиб боришни кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Албатта, ҳар бир ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари жиноят-чилиكنинг ҳар қандай кўринишига қарши мurosасиз бўлмоғи ва бу ишда барча фуқаролар ҳамда мансабдор кишилар фаол қатнашишлари лозим бўлади.

«Хуқук» муҳбири
Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
сўхбатлашди.

БУ ҲАМ ИЛАЛТ

Жамоат жойнда тарбияси оғир йигитча бегона одамга тегажолки қилмокда. Ён - атрофдагилар «хой, нима гап» дейиш урнига, чапла қараб олиб, бу ҳолатга «томошабин» бўлиб туришади. Автобус ичида ёки бозор ҳудудида бир киссавур бир фуқаронинг киссасини мўлжалла олади. Бунин ён - атрофдагилар қурб туришса-да, юзларини чапла туриб ўзларини кўрмаганга солишади. Баъзан бунинг мутлако тескарисини кўрасиз.

СИЗ ҲАМ «ТОМОШАБИН» БЎЛИБ ТУРМАНГ-ДА, ТАКСИР

Болалар ўртасидаги арзimas келишмовчиликларга катталар ҳам қўшилиши, махалла-қўйда ота-оналар бир-бирларини ҳақоратлашиб, тўполон қўтаришгача бориб етишиди. Ҳамсоялар эшик тирқишидан мўралаб, бу ҳолатга яна томошабини бўлиб туришadi. Айрим махалла ва кишлоқ фуқаролари йиғинларда ҳеч кимни менсимайдиган, «ўзи хон, кулканси майдон» бир бетамиз ҳоҳлаган ишмини қиламан деб, махалла катталари, оқсоқолларини ҳам менсимай ўзининг олдини ўраб олди, ноқонуний қурилиш қилади, энатрофини санитария-гигиена қондa-ларига хилоф равишда ахлатга тўлдирadi. Бунга ҳам ҳеч ким гинг-демайди. Охир - оқибат мана шун-дай ақир-чикирлардан бошланган ҳуқуқбузарлик катталашиб, кейин-чалик жиноятга айланadi. Бунинг асосий сабабларидан яна бири эса фуқароларнинг ўз ҳуқуқларинигина эмас, балки бунг масъулиятини ҳам унутиб қўйганликларида.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунарига биноан қорхона раҳбарлари, фуқаролар қурилиш ишларини олиб боришда жуда эҳтиёткор бўлишлари, алсқа қабақлари, ҷқори босимдаги қз қувурлари ётқизилган ерлар устига иморатлар қуриши мумкин эмаслиги қурсталиган. Бунинг уни тегишли давлат қорхоналаридан махсус рухсатнома олиш шарт. Ҳозирчиликда йул қўйиш эса маъмурий вакиноий жавобарликка олиб келади. Бу ҳудудлардаги қишлоқ (махалла) фуқаролари йиминлари маъмуриятлари аҳоли ўртасида кенг тушутириш ишларини олиб бориш билан бирга, ғайриқонуний холатга йул қўйган фуқароларни ўз вақтида огоҳлантиришлари, ўзбосимчилик билан қурилатган иморатларни тўхтатишлари ёки уни қурган фуқаронинг ўз ҳисобидан бўзиб ташлашнинг талаб қилишлари позим.

Гал шундаки, Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев тумани ҳудудидagi «Отбозор» (раиси Т.Аҳмедов) ва «Ширбудин» кишлоқ фуқаролари йигинида (раиси Р.Баҳромов) Вазират Маҳкамасининг 1999 йил 27 январдаги «Уй-йўл, архитектура, шаҳарсозлик қончилигинга риоя қилишни устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси ўрганиб чиқилганида бу борада жиддий камчиликлар мавжуд эканлиги, кишлоқ фуқаролари йигинлари маъмуриятларининг ўз ҳудудларида тегишли назорат урнатмаганлиги натижасида фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан ерларни эғзалла олиш, айрим ҳолларда қўриқ босимдаги газ қувурлари ўтган ерларда иморатлар қурилишига йўл қўйилганлиги аниқланган. Афсуски, кишлоқ фуқаролар йигинлари оқсоқоллари бу гайриқонуний ҳолатларга «томошабин» бўлиб қолавершиган. «Отбозор» кишлоқ фуқаролар йигини ҳудудидagi «Соҳибқор» жамоа ҳужалигининг 5-бригадасида истикомат қилувчи фуқаро Содик Одилов қўриқ босимдаги газ қувури ўтган ер устиди уй қуриб олган. Ажабо, у ўзи ва оиласининг ҳаётини хавф остига қолдирганлигини наҳоти билмаган бўлса?!

«Сувобод» кишлоғида истиқомат қилувчи фуқаролар Хусан Шарипов, Тошпўлат Ҳазратқулов, Бахтиёр Ҳайдаров, Назира Раҳимова, Холмурод Зухуровлар ҳам юқори бо-

симдаги газ қувурлари ўтган хавфли майдон устида антиқа қурилишлар қилишибди. Бирор қор ҳол бўлса, бун «томошабинлик» билан оқлаб бўлармикин?

«Ширбудин» кишлоқ фуқаролари йиғини худдида ҳам давлат ва жамоа ерларини талон-тарож қилиш, ўзбошимчилик билан эғал-лаб олиб, ноконуний қўшимча иморатлар қуриш авж олиб кетибди. Фуқаро Маъжуда Рўзиева назорат йўқлигиндан фойдаланиб, 500 кв. метр ерни ураб-чирмаб олади-да, 60 кв. метр ер майдонига ноконуний равишда айвон қуради. «Қовун-қовундан ранг олади» деганларидек, фуқаро Исмоил Раҳмонов 250 кв.метр ерни, Нарзулло Самодов эса 150 кв.метр ерга молхона қуришни бошлаб қоборишди. Давлат ва жамоа ерларини ўзбошимчилик билан эғаллаб-олиб, қонунсиз равишда иморат қуриш навбати фуқаролар Шарофат Нурога, Яқши Саидов, Ҳўлтурди Рўзиеваларга келади.

Қўлида қонун берган ваколати бор оқсоқоллар қани эди, бир қимирлаб қўйишса. Йўқ қимирлашга ҳам ҳафсала қилишмаган.

Хар нарсанинг чегараси бўлгани каби, ўзбошимчалиkning ҳам чегараси бор. Ўзбекистон Республикаси си фуқаролик кодексининг 212-моддасида «Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур русутомна олмаддан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-йўла, бошқа бино, иншоот ёки ўзга мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланиб, қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайдди. Бу шахс қурган иморатини тасаруф этишга, сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас. Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бўзиб ташлаши лозим» деб кўрсатилган. Туман прокуратураси томонидан қонунбузарликка йўл қўйган фуқароларга нисбатан судга даъво аризалари бўюрилиди.

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида-ги (янгича қарилган)» қонунда Ўзини-ўзи бошқариш органларининг, шунингдек қишлоқ (маҳалла) фуқаролари йиғини раиси (оқсоқол)нинг ваколатлари қаторига шаҳарча, қишлоқ, баовуллар ҳудудидаги ерларнинг ишлатилиши ва муҳофаза этилиши устидан назорат қилиш, фуқаролар йиғини (йиғилиш) муҳокамасига ер муносабатларини тартибга солиш масалаларини қиритиш, иморат куриш жамоатларига риоя этиш устидан ҳаёлат назоратини таъкиқ этиш ваколатлари ҳам қиритилганлигини яна бир бор эълатиб қўймоқчимиз. Бу - жамиятимизда содиқ қилинаётган майда-чўйда гайриқонуний ҳолатларга «томошабин» бўлган, ақсина, уларга қарши фаол курашинг дегани.

Ф.МАҲМУДОВ,
Ф.Хўжаев туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси

ФАРМОН ВА ИЖРО

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан Ўзбекистон Президентининг 2000 йил 4 март кuni эълон қилинган «Рангли металл бўлаклари ва чиқиндиларининг ўғирланиши, қонунсиз равишда олиб чиқиш кетилишининг олдини олиш чоралари ҳақида»ги фармонининг амалга оширилиши хусусида Республика ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу фармоннинг моҳиятини тушунтириш бўйича кенг омма ўртасида тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Давлат мулкни талон-тароҳ қилувчиларнинг қонун олдидаги жавобгарлиги, унинг республикамиз иқтисодида келтираётган зарари кенг халқ оmmasига матбуот ва телекўрсатувлар орқали тарғибот-ташвиҳот қилиб борилмоқда.

Аммо бу тарғибот ишларидаги бонг уришлар баъзи нопок кимсалар учун етарли бўлмапти, шеклли.

Шундай шахслардан бири 1976 йилда Нукус туманида туғилган, Амурдёр тумани, Бердах номли ширкатлар уюшмасида яшовчи Сапарбой Шарипов шу уюшмада ишчи бўлиб ишлаб юриб, ақин танишлари Сериббой Қудобаев, Тангриберган Жуманов, тракторчи Ғалибек Абенов, Умрбек Журинбаевлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб жиноятга қўл урган. Улар шу йил 27-30 январь кунлари Амурдёр тумани Бердах номли ширкатлар бирлашмасига ақин жойда Қораўзақ туманидан ўтган, юқори босимли «Газли-Нукус газ трассасидаги умумий узунлиги 19290 метр алюминий симларини кесиб олганлар. 31 январь кuni шу ширкатлар уюшмасига

ЎЗ РИЗҚИНИ
ЎЗИ ҚИРҚҚАНЛАР

қарашли ГАЗ-53 автомашинаси ҳайдовчиси Ўнғарбой Абдураззоқовга: «Қизилда бизнинг йиғиб қўйган симларимиз бор. Шунини олиб келиб берсанг, йўл ҳақида 2000 сўм берамиз» - дейишган. Шундай қилиб, ваъдани бир жойга қўйган бу «иш-билармонлар» юқини олиб келиб, ширкатлар бирлашмаси ҳудудида жойлашган университет Ботаника боғининг хилват жойига яшириб қўйишган. Бу яширин товар 2000 йилнинг 14 февраль кuni милиция ходимлари томонидан қўлга олинди, Қораўзақ тумани ички ишлар бўлими томонидан жиноий иш қўзғатилиб, бу шахслар қамоққа олинди.

Нукус шахри «Восточная» кўчаси 92 - уйда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Шамшёт Саидов ва Амурдёр тумани Бердах номли ширкат-

лар уюшмасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Жалғасбой Шарипов жиноий тил бириктирганлар. Уларнинг ниятлари ҳам газ трассасидан ўтган алюминий симларни ўғирлаш ва катта пулга сотиш бўлган.

«Нукус-Тўртқул» йўналишидаги газ трассасидан алюминий симла-

рини кесиб олаётган вақтида жиноятчилар қўлга олинди. Уларнинг давлатга қўл миқдорда, яъни 147 минг сўмлик моддий зарар етказганликлари маълум бўлди.

Бу жиноий иш бўйича Жалғасбой Шарипов ва Шамшёт Саидовлар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, жазоларини олди.

Давлат мулкни - бу ҳаммамизга бирдай қадрли мулкдир. Шунга қарамадан, биз уни халигача ўз мулкимиздек асрашга ўргана олмаётимиз. Бундан баъзи нопок одамлар фойдаланиб қолмоқдалар.

Мақсётбой ХОЛМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокуратурининг
биринчи муовини, адлия
маслаҳатчиси

ХУКМ ҲАҚИДА

НАФСИГА ЭРК БЕРГАН ХАЛҚУМИДАН ИЛИНАР

ёхуд бош ҳисобчи, таъминотчи ва ҳазинабоннинг найранглари борасида

Аввалига қўллар бу гапга ишонишмаганди. «Ие, нахотки Хатирчи туманида жойлашган А.Қозоқов номли лицей - интернетда икки оёқли каламушлар пайдо бўлган бўлса?» дея. Кўп ўтмай ҳазиломуз бу гаплар рўстга ўхшаб қолди. Лицей - интернет бош ҳисобчиси Иброҳим Худойбердиев, таъминотчи Рўзикул Тўраев ва ҳазинабон Умиджон Абдиевнинг жиноий қилмишлари фош этилган, жамоадагилар «Кемирувчилар ўз орамиздан чиққан экан-ку, шу пайтгача билмай юрган эканмизда», - деб қолишди.

Бу икки оёқли уч кемирувчи жиноий тил бириктириб, ўз иш фаолиятлари доғида мансаб сохтакорлиги йўли билан ўзига ишониб топширилган халқ мулкни ўзлаштириш орқали талон-тароҳ қилиб келишди.

Уларига бино қўйган бош ҳисобчи ва ҳазинабон мансаб сохтакорлиги бўйича устаси фаранг бўлиб кетишган экан. Улар ҳисобхонадаги тўлов арақаларини ўзгартириб, 435977 сўм миқдордаги пулни ўзлаштириб, ўз шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборишди. Бундан ташқари, таъминотчи Р.Тўраев билан жино-

ий тил бириктирган ҳолда қарий 3 миллион сўмлик нон маҳсулотларини ҳисобхонага кириб қилмасдан бозорларда номаълум шахсларга сотиб, пулларни талон-тароҳ қилишди.

Лицейнинг физика фани ўқитувчиси, гувоҳ Н.Раҳимованинг тергов ва суд жараёнида берган кўрсатмасидан: «Меҳнат таътили даври учун тўлов арақасига 12839 сўмга имзо қўйиб олгандим. Лекин ўша пайтда олдиндан «1» рақами «2» рақамига ўзгартирилган экан» - Хулосани энди ўзингиз чиқаринг.

Судда жиноятчилар қилмишларига яраша «тегишли» жазоларини олишди. Аммо шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Лицей - интернет директорининг бош ҳисобчи, таъминотчи ва ҳазинабоннинг қинғир ишларидан хабари йўқ эдимиз?

Вилоят суди ана шу ҳолат юзасидан лицей-интернет директори И.Порсоевга нисбатан ўз ақримини чиқарди.

Обиджон ДОНИЁРОВ,
Навоий вилоят прокуратурининг ёрдамчиси.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ЕТТИ ЙИЛНИНГ БАҲОСИ

кейин ҳеч нарсадан хабари йўқ тижоратчининг қўлларига кишан солиниб, узок муддатли суд жараёнлари бошланиб кетади. Суд Даниелини мафияга алоқадорлиқда айблаб, узок йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилади.

Бу воқеага ҳам етти йилдан ошиб кетди. Ўтган мана шу муддат ичида Даниелнинг адвокатлари зўр бериб унинг айбсизлигини исботлашга ҳаракат қилишди. Ва нихоят апелляция суд адвокатлар даъвосига қулоқ ту-

тиб, ишни қайта қўриб чиқди. Кўрсатилган далиллар бояқчи Даниелнинг ҳақиқатан ҳам айбсизлигини исботлаганидан кейин, суд «зудлик билан уни озодликка чиқариш ҳақида ҳукм чиқарди. Хозирда Милан яқинидаги электр жиҳозлари дўконининг хўжайини, «кичкина» адашмовчиликнинг каттагина жабрини тортган Даниел Барилла ўз ҳаётининг «энг яхши йиллари» учун давлатдан тонов талаб қилмоқчи.

Билан уйига югурди. Ўғрийам ўнтадан битта экан, ўй эгаси билан тўқнаш келганда ўзини деразадан ташқарига отди. Бир нарса тушунарсиз бўлиб турибди, «ўғригина бола» ўзини нима деб ўйлади экан, ахир уй 15-қаватда эди-ю!

Жиноят олами вакиллари-дан бири Меросейка кўчасида йўловчининг ҳаёминини олиб қочди. Каттагина ҳамён аччигина пул, хужжатлар, уйнинг қалити билан «ўғригина бола»да кетди. Ўлжани осонгина қўлга киритган ўғри,

ҳамён эгасининг уй манзиллини билар экан чоғи, тезда ўша уйга етиб бориб, ўз хунарини бошлаб юборди. Уй ичини тинтиб чиқишни бошлаган ўғри ишини тамомлаб улгурмади.

Ҳамёндан ажралган уй эгаси ҳам анойи эмас, зудлик

БҮРЧ ВА ҚОНҲ

ҚОЧОҚ ЙИГИТЛАР

Инсон учун Ватандан юксакроқ бойлик йўқ. Шунинг учун ҳам имон-диёнатдан гап кетганда энг аввало қўз ўнгимизда мозий гавдаланади. Ватан тўғриси ҳар кимнинг қонига она алласи, гўдаликда эшитган шеър, қўшиқлар билан қиради ва у сўнгги нафасигача боқиб бўлади.

Ватанпарварлик - ўз миллатига, она - юртига, имонига содиқликдир. Азал-азалдан юрт осойишталиги ва озодлиги йўлида ҳаттоки жонларини тиккан қаҳрамонлар ҳақида кўп эшитганмиз. Бундай довурак аждоқларимизнинг қаҳрамонликлари ёшларимизни ватанпарвар бўлишга қорлайди.

Бугунги кунда ҳам жаҳонга юз тутаятган Ўзбекистонимиз ана шундай мард ва довурак ўғлонлари билан фахрланади.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг ижроси юзасидан ўтказган умумий назорат тартибидидаги текширувимиз давомида ҳар бир йигитнинг бурчи бўлган ҳарбий хизматдан бўйин товлаб, паналаб юрган ёшлар ҳам борлигини билиб, ҳайратда қолдим. Ахир, бу ҳатти-ҳаракатлар эр йигитга хосми?

Тумандаги «Хўжа Ҳасан» кишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, 1976 йилда туғилган Аъзамжон Саидов ҳарбий хизматга қақирув ҳайъати қўриғидан ўтмаганлиги сабабли, унга нисбатан туман прокуратураси томонидан маъмурий иш қўзғатилган эди. Туман суди томонидан жаримага тортилган Аъзамжон ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган. Шу йил баҳорда ҳарбий хизматга қақирув ҳайъати қўриғидан ҳам ўтмаган бу йигит уялмай-нетмай қочқоқлик қилиб юрган. Шу кишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи, 1980 йилда туғилган Собир Орзиев, 1979 йилда туғилган Мақсуд Эргашевлар ҳам Аъзамжондан «ўрناق» олишган. Уларга нисбатан ЖКнинг 225 - моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Текширув таҳлиллари шуни кўрсатадики, тумандаги бир неча ўспирин ёшларга махсус қақирув қоғози берилган бўлса-да, сабабсиз туман Мудофаа бўлимига келмасдан қочиб юришган. Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан ҳарбий хизматга қақирилувчи С.Жумаев, И.Авезов, М.Аминов, Ж.Аслонов, Ш.Жумаев, А.Жўраев, А.Қаландаров сингари ёшларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, келгусида бундай қонун бузилишларга йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилди.

«Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобили хизмати ўташга мажбурдирлар» деб белгилаб қўйилган Ўзбекистон Конституциясининг 52-моддасида.

Бу азиз ватан - барчамизники, балогат ёшига етган ўғлонлар мустақил Ўзбекистоннинг миллий армиясида Ватан истиқлоли ва саодати учун ўз бурчларини бажармоқлари лозим. Эр йигит учун бу муқаддас бурчдир.

Абдурахмон БОЛТАЕВ,
Қизилтепа туман прокурори,
1-даражали ҳуқуқшунос.

ДЎСТАЛИК РИШТАЛАРИ

ҲАМКОРЛИК

Кейинги вақтда прокуратура идораларининг қўшни давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлиги одатий ҳолга айланиб бормоқда. Бу жиноятчиликнинг олдини олишда, жиноятни очишда қўл келиши шубҳасиздир.

Хусусан Сирдарё вилояти прокуратураси ходимлари қўшни Тожикистон Республикаси ҳудудида содир этилган икки қотиллик жиноятини очишда ёрдам беришди.

2000 йил 15 февраль кuni Ширин шаҳар Фарход ГЭС ҳавзаси 3-агрегатидан полиэтилен қопга солинган, боши, оёқлари ва қўллари кесиб олинган ҳолда номаълум шахс танаси топилди. Тезда тахрибали терговчи Х.Абдуғафоров бошчилигида тезкор ғуруҳ тузилди. Ғуруҳқа вилоят прокуратураси терговчиси И.Умаров, криминалист Ж.Мусурмоновлар ва бошқалар киритилди. Аниқ режа тузиб олинди. Унга кўра жасаднинг шахсини аниқлаш дастлабки вазифа эди. Тезкор қидирув тадбирлари натижасида мурданнинг шахси аниқланди. Маълум бўлишича, у Ленинобод вилояти Гончи туманида яшовчи 1967 йилда туғилган 2 нафар фарзанднинг отаси Мираминов Мирамин экан. Мурданнинг кийимлари, хужжатлари ашёвий далил сифатида ўрганилиб, унинг қариндошларига кўрсатилганда бу маълумотлар тасдиқланди. Марҳумнинг қариндошларини топиш, уларни жасад билан таништириш ишларида ленинободлик ҳамкорлар ёрдам беришди. Шундан кейин жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, ким томонидан содир этилганлиги таҳминлари ишлаб чиқилди. Маълум бўлишича, Мирамин Мираминов оиласи билан ахрашган, чунки акаси Мираминов Ашурнинг ўғлини хотинининг ақалари Шафиев Бахриддин ва Нажмиддинлар пичоқлаб ўлдиргани экан. Улар 15 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Шундан кейин қайнониси Шодиева Одина ҳам таъбиб қилиб, хусумат билан юрган. Натижада у ҳам етти йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жиноят иши Тожикистон Прокуратурасига юборилди. Албатта бу ишда Республика Прокуратураси халқаро алоқалар бўлими ёрдам берди.

Иккинчи бир жиноят иши ҳам қотиллик билан боғлиқ. 2000 йил 26-27 апрель кунлари Тожикистоннинг Зафаробод тумани ва Ховос тумани чегараси яқинида номаълум эркак жасоди топилди. Сувга қўйилган мурда бизнинг чегарамиздан бор - йўғи ую юз метрча нарида ётарди. Тожикистонлик ҳамкорлар ёрдамида мурданнинг шахси аниқланди. Маълум бўлишича, у Тожикистон фуқароси Арсланов Хорис Шойимардонович бўлиб, 1949 йилда туғилган, татар миллатига мансуб шахс экан. Жиноят ишига доир барча маълумотлар Тожикистон Прокуратурасига юборилди.

А.МУСТАФОКУЛОВ,
«Хуқуқ» мухбири

АФСУСИ



Шу орада мачитдан — намоздан қайтган Комилжон ота «Бисмилло-хир раҳмонир раҳийм» деб ўйга кириб келади. Воқеани қўриб, чолнинг аввалига ақли шошиб қолди, сўнг ўзига келган, қўни-қўшниларни ёрдамга чақира бошлади. Фурсатни бой бермай Абдурахмон ўзи билан олиб келган темир даста билан Комилжон отанинг ҳам бошига туширади. Ота жон талвасасида бақириб юборади. Қотил бир неча маротаба унинг дуч келган жойига

ди. Дилбарой ая эса омон қолади. Абдурахмон ўз қилмишидан пушаймон бўлди. У нима иш қилиб қўйганлигини кейингина тушунди. Аммо энди кеч бўлган эди.

Абдурахмон каби инсонлар жамиятимизга пўтур етказилади. У ўзининг юқоридаги қилмиши билан оиласи, ота-онаси, қариндош-уруғларининг ва бутун қишлоқдошларининг юзини ерга қаратади.

Хўш, Абдурахмонни бу ишга нима мажбур қилди? Албатта, ичкилик

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

«ОЛДИ-БЕРДИ»НИ ҚОЙИЛЛАТАДИГАН РАҲБАР «СИНОВ МУДДАТИ»ДАН ЎТА ОЛМАДИ

Шукуралӣ Умрзоқов Фарғона вилояти «Пилла» ҳиссадорлик бирлашмасининг 1999 йил 30 сентябрдаги буйруғи билан Ўзбекистон туманидаги «Гулистон» давлат ҳўжалиғи раҳбари вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. Назарида ўзини кўрсата олса, йили якунига кўра ростмана раҳбарлик лавозимига тайинланиши аниқ эди. Бироқ ўчакишгандай, бу мавсумда пахта ҳосили анча паст, мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари бўйича режани урдалашини имкони йўқ эди. Ўша кўнлари унинг олдиға бир шаҳарлик меҳмон келди. Келгуси йили ижараға ер олиб, пиёз етиштириш ниятини баён этди.

— Бўш ер йўқ, — деди раҳбар. Сўнгра «текинға мушук офтобға чиқармиди» деб қўшиб қўйди. Шамани фаҳмлаган Мухторжон Қосимов идора остонасида бошини қашлаб турганида шу ерда бригада бошлиғи бўлиб ишлайдиган таниши Раҳим ақани кўриб қолди.

— Бирор гектар олиб пиёз-миёз эксам дегандим...

— Ер масаласини ҳўжайин ўзлари қил қилади, — деди Раҳим ақа.

— Гаплашиб кўрдим, йўқ дейпти...

— Ҳўжайин Мавлудахонға йўқ демайди.

— Опа билан ўзингиз гаплашиб кўринг. Йўлга солиб беринг!

Раҳимжон Абдурахмонов Мухторжоннинг гапини икки қилмай, ҳўжалик кадрлар бўлими бошлиғи Мавлудахон Йўлдошева билан гаплашиб берди.

— Юз мингға кўндирдим, — деди у Мухторжоннинг олдиға қайтиб чиқиб.

«Ҳа-а», деди-ю, Мухторжон «топиб келарман» деб жўнади. Шу кетганича, бир ой қорасини кўрсатмади.

Мухторжон «юз минг топиб келаман» деб кетганда Шукуралининг калласида ажойиб «идея» туғилган, юз минг сўмнинг бир қисмиға пахта сотиб олиб планни бажаришни, қолган қисмини «керакли» одамларға «ўзатиб» ростаман раҳбарлиқни эгаллашни кўзлаб қўйганди. Бироқ вақт ўтиб борар, юз мингдан эса дарак йўқ эди. Шукуралӣ ўйлаб-ўйлаб бунинг ҳам йўлини топти. Ҳўжалиқнинг ўзига ишонгандай ишончли-ишончли мутахассислари билан «тор доирада» махфий кенгаш ўтказди. Сўнгра Ўзбекистон тумани пахта тозалаш заводиға қарашли Фуркат тумани Шўхрәт қишлоғида жойлашган «Кўкон» пахта қабул қилиш пункти мудирӣ Ҳасанбой Эркаевға учрашиб, вақтинча «қарз-ға 3 тонна пахта бериб туришни илтимос қилди. Ҳасанбой Шўхуралининг «кейин хурсанд қилман» деган ваъдасиға ёғдай эриб кетди.

Шукуралӣ Умрзоқовнинг оғзаки буйруғиға кўра унинг раҳбарлиғи остида муроса қилиб ишланиши ўйлаган газначи Абдувоҳид Муталифов газнадан 50 минг сўм олиб, тракторчи Мухторжон Каримовға қўшқўллаб тутқазди. Мухторжон 1999 йил 13 октябрь кўни ҳақиқатда топширилган 1540 килограмм пахтаға 1000 килограмм, 16 октябрь кўни топширилган 1290 килограммға 1000 килограмм, 17 октябрь кўни топширган 1330 килограммға 1000 килограмм қўшиб, юк хатларини сохталаштириб берган Ҳасанбойға нақд 30 минг сўмини элтиб берди. 12 минг сўмға бозордан харажат қилиб, қабул пункти ходимларини ош билан сийлади. 8 минг сўмини эса «воситачилик ҳақи» деб ўз ҳамёниға олди.

Бироқ, пахта пункти мудирӣ Ҳасанбой Эркаевнинг «эҳсони» ҳам планни дўндиришға камлик қилди. Шўхуралининг буйруғи билан газначи яна 16 минг 200 сўм «топиб берди». Бу пулга Фуркат тумани Чечкўвалдақ қишлоғилик мактаб ўқувчилари терган пахтанинг ҳар килограмминини ўн сўмдан сотиб олиб, пахта қабул пунктиға келтириб топширдилар. Шундай қилиб, «Гулистон» давлат ҳўжалиғи пахта планини «бажарди». Энди бу ҳуфёна ишларни «ҳўжжаташтириб» қўйиш зарур эди. Шукуралӣ Умрзоқовнинг қўрсатмаси билан ҳўжалик бош ҳисобчиси Шавкатжон Мавлонов, бош ҳўсилоти Дилжон Дадабоев, бош иқтисодчиси Раҳманжон Эсонқулов, газначи Абдувоҳид Муталифов, 1-бригада бошлиғи Умаржон Тошматов, 3-бригада бошлиғи Солижон Мелиқўзиев аслида ҳўжалик далаларида терилмаган пахтани 13 нафар идора ходимлари терди деб, уларға иш ҳақи ведомостлари тузиб, иш ҳақини бермасдан имзо чектириб, ҳўжжатларни сохталаштириш, давлат мулкни ўзлаштириш каби жиноятларни содир этдилар.

Шукуралининг хом хаёллариға кўра, «ёниғлиқ қозон-ёниғлиғича» қолиши тайин, ҳеч қандай тафтиши бу «иш»нинг тағиға ета олмасди. У планни бажариб, фоз юрган кезлари Кўкон шаҳридан келгуси мавсумда деҳқончилик қилиш учун ер сўраган Мухторжон Қосимов ташриф буюрди. У ўзи билан олиб келган 100 минг сўмини Раҳимжон Абдурахмоновға берди. Бригада бошлиғи аввал келишланигандай, бир ярим гектар ер «ҳаққини» тиккасиға эмас, кадрлар бўлими бошлиғи Мавлуда Йўлдошева орқали «раҳбар»ға топшириши керак эди. Раҳимжон юз минг сўм порани Мавлуданинг кабинетида бераётганида ҳўқуқ-тартибот идоралари томонидан ҳибсға олинди. Шундан кейин вилоят «Пилла» ҳиссадорлик жамиятиға қарашли «Гулистон» ҳўжалиғида ўтказилган тафтиш пахта плани кўзбўямачилик, «қўшиб ёзиш» йўли билан бажарилганини аён этди. Пора олиш, пора беришни, ҳўжжатларни сохталаштиришни ўзича «қойиллатган» Шукуралӣ Умрзоқов ва унинг шериклари суд ҳўқими билан тағишли жазоларини олдилар. Тергов ва суд жараёнида ушбу жуноий ишда айбланган ҳўжалиқнинг мутахассислари, бригада бошлиқлари янги раҳбар билан бундан кейин тескари бўлиб қолгандан кўржиб, «муросан-мадора» қилиб ушбу жиноятға шерик бўлиб қолганларидан афсус-надомат чекдилар. Ведомостға индамай имзо чекиб берган бошқа идора ходимлари ҳам «раҳбар»нинг кўзига ёмон кўринишдан қўчиб индамай юрганларини айтдилар. Юқоридаги жиноятлар тақрорланмаслиғи учун одамлардаги муросазлик иллатиға барҳам бериш, уларнинг ҳўқуқий фаллиқларини ошириб бориш лозим.

Исроилжон ИБРОҲИМОВ,
«Хуқук» муҳбири

ОСТОНАНИ БУЗГАН ҚАБОҲАТ

Эрта саҳарда чолини намозға қўзатиб қўйган Дилбарой ая у ер-бу ерни йиғиштирган бўлди-ю, ҳали барвақт бўлганлиғи учун бир оз мизғиб олай деб яна жойиға ётди. Ва гафлат уйқуси элтиб, кўзи илинди. Орадан қанча фурсат ўтганлиғини билмайди, бир вақт ярқ этиб хонанинг чироғи ёнди. У норози қиёфада кўзларини очди ва олдида бошини оқ рўмонча билан боғлаб олган қўшниси Абдурахмонни кўрди. «Вой», дейишға ургурди. Кўп ўтмай унинг бошиға темир келиб тушди. Нима ҳодиса бўлаётганлиғини англамади ҳам кампир бечора.

Бир неча марта темир даста билан урган Абдурахмон кампирнинг қўл-оёқларини боғлади, оғзига латта тиқиб қўйди. Уни ўлди деб ҳисоблаб, кроватдан пастға тушириб, устиға қўрпа ташлаб қўйди-да, бамайлихотир «ишға» киришди. Сандиқларнинг қолқоғини очиб ичидан ўзига керакли нарсаларни ахтариб, ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб ташлади.

уриб оғир жароҳатлайди. У қаршилиқ кўрсата олмай йиқилиб тушади. Қотил шундан кейин уни печка яқиниға судраб боради, қўлларини орқасиға қайириб боғлайди. Сўнг қилиб қўйган ишидан ваҳимаға тушиб, хонадоннинг томорқасиға қочиб чиқади.

Комилжон отанинг хонадонида бўлган бақирик-қақириклардан ҳавотирланган қўшнilar йиғилиб унинг дарвозасиға келишади. Дарвоза ичкаридан берк бўлганлиғидан улар ҳовлиға кира олишмайди. Лекин улар Абдурахмоннинг яширинаётганлиғини кўриб қолишади ва «Бу ерда нима қилиб юрибсан?» дея қистовға олишади. Аммо у сўровға жавоб бермай, ташқариға чиқиб кетади.

Хавотирланган қўшнilar Комилжон отанинг уйиға киришиб, воқеадан хабардор бўлишади. «Бандиларнинг қўл-оёқларини ечишиб, тезликда касалхонаға олиб боришади. Жароҳатнинг оғирлиғидан Комилжон ота йўлда омонатини топшира-

оқибатида рўй берган ҳасадгўйлик ва таъямғирлик. У кейинги пайтларда спиртли ичимлик ичишға берилиб кетди. Ўша кўни ҳам қора ниятларини амалға ошириш учун бир шиша винони бўшатди. Ярим тунда ҳамқиллоғи Қодирнинг дўқонидан яна бир шиша вино олиб келиб уни ҳам бир ёқлик қилди. Тун бўйи уйқуси қочиб, ҳовлида юриб чиқди. Тонг ота бошлаган, қўнлиги яна ичсини тўсаб қолди. Бу ёғиға чўнатиб бўш. Унинг айтишича, пул топиш учун темир даста билан қуролланиб, қўшнining уйиға бостириб қирган.

Фарғона вилояти суди Маматқўлов Абдурахмоннинг жиноий ишини кўриб чиқди ва уни олий жазоға ҳўкм қилди.

Йўлдошани УСМОНОВ,
Фарғона вилояти,
Уқўприк туман прокуратураси
терговчиси

ҲАР КИМКИ ЖАҲО ҚИЛАСА...

ҚАРЗ ЖОН БИЛАН ТЎЛАНДИ

Кирақашлик қилаётган ҳайдовчилар мижоз қўтишаяпти. Соат 13 лар чамаси. Усти ёпиқ бозордан чиқиб келаётган ҳўсурий дўкон сотувчиси Расулнинг кўзи «Тико» машинасида кирақашлик қилаётган Алишерға тушди.

— Ақа, қарзини қачон қайтарасиз? Уч-тўрт ой бўлди. Номардлик бунчалик эмасдир, — деди Расул Алишерға.

— 1700 сўм ҳам пул бўлдимми? Ҳозир ёнимда бир мири ҳам йўқ. Оласан-да қарзингни.

— Пул жуда керак бўлиб қолди. Бермасангиз машинангиздан тушмайман.

— Булмаса ҳозир бир танишимнинг уйиға борамиз. Ўшандан олиб бераман. Кетдик.

«Тико» автомашинаси Бўхоро шаҳридаги гишт заводи йўли бўйлаб тизиллаб борарди. Когон тумани Шароф Рашидов номи жамоа ҳўжалиғидаги «Уртачўл» қўрғони яқинидадан оқиб ўтувчи «Қуйимозор-Оназовур» канали ёқалаб борадиган асфальт йўлининг ўнг томонида Расул машинани тўхтатишни сўради. Икковлон машинадан тушишди, Расул усталик қилиб машинанинг қалитини олди. Унинг ҳаёлида автомашинани эгаллаб олиш нарх урарди: «Асфаласофилинға жўнатаман. Кимсасиз чўл бўлса. Ким кўриб турибди. «Тико» ҳали янги. Қисмларға бўл пуллайман».

Улар ўртасида муштлашиб бошланди. Расул ўзини дадилроқ ҳис қиларди. Ажирроқ бўлгани учунгина эмас, қўлида пичок ҳам бор эди. Бойлик ва алам ҳирсида ёнган Расул шафқатсизларча пичок билан Алишернинг кўкрак қисмиға уч марта, бир марта орқа елкасиға урди. Хиёл фурсат ўтган Алишер ҳўшини йўқотиб, йўлининг чап қисмиға йиқилиб қолди.

Расул нима қилиб қўйганини англағач, атрофға дир-дир титраб разм солди. Ўлиқнинг икки оёғидан уш-

лаб, 30-35 метрлар тортиб бориб, канал яқинидаги кичик ариқчаға ташлади.

20 С 0446 давлат белгилӣ, яшил рангдаги «Тико» русумли машинани кўннинг иккинчи ярмида Бўхоро шаҳридаги 2-тор кўча олдиға ҳайдаб келди. Машинани ўша ерга қўйиб, докаға уралган пичокни, Алишернинг шиппагини йўқотиш пайиға тушди. Пичокни «Сомонийлар» истироҳат боғидаги ҳовузға ташлади. Шиппаки эса ариқ бўйиға иргитиб юборди. Сўнг машинани кўздан парнароқ Регистон тор кўчасиға ҳайдаб келди.

Расул мудҳиш жиноят изларини йўқотиш чораларини излаб ўртоғи Шўхрат Бозорово яшайдиган Бўхоро туманидаги Файзулла Аллаев номи жамоа ҳўжалиғининг «Кўли-Юрн» қишлоғиға йўл олди.

— Шўхрат, қатог иш қилиб қўйдим. Одам ўлдирдим. Ўлик ҳозир Когонини «Уртачўл»-ида. «Тико» машинани шиппаға қўйиб келдим. Машинани олиб келиб, қисмларға бўлишға ёрдамнинг керак. Сотиб, бақувват фойда кўрамыз. «Тико»нинг запас-тлари камбёк-ку. Бу ишни тезроқ амалға оширмасак, «ҳиди» чиқиб қолиши ҳеч гап эмас.

— Бўёғи расво бўлибди-ку, жўра. Нима қиласан энди. Бошға тушган кўзи кўради. «Жондор» шўбекаати ёнида жойлашган шахсий энгил автотомобиллари таъмирлаш устакхонасида Қамол деган жўрам бор. Ўшани ҳам ёрдамға чақирамиз. Жудайим чакқон, — деди паст оҳангда Шўхрат. — «Чорбак» жамоа ҳўжалиғининг Хонобод қишлоғида яшайди. Биласан-ку.

Қоронғу тушғач, Файзулла Аллаев номи жамоа ҳўжалиғи ҳудудидаги мазор ва мачит яқиниға «Тико» автомашинаси келиб тўхтади. Машинадан Шўхрат ва Расул тушишди. Чамаси соат 22 ларда шартлашган манзилға Қамолни ҳам олиб келишди. Ҳаш-наш дегунча маши-

нани қисмларға бўлиб-ташлашди. Орқа, олдинги эшиқлар, ўриндиқлар, балон, дисклар, аккумулятор, кўтаригч, ҳаво тозаллагич, термостат, бошқарув рули... Кузов ва двигателдан бўлак барча қисмлар ёйиб ташланди. Эҳтиёт қисмлар Шўхратнинг «ВАЗ» 2106 русумли А 1650 БХ давлат белгилӣ машинасиға оқланди. Улар Шўхратнинг уйиға яшириб қўйилди.

Кўп ўтмай эҳтиёт қисмлар Расул Қўзиевға қарашли уйнинг томидан қўйиб олди. Орадан икки кун ўтар ўтмас «Тико» кузови двигатели билан «Чорбак» жамоа ҳўжалиғи «Оғар» қишлоғи ҳудудидаги заҳхаш бўйида ёқиб юборилди. Жиноий шериклар «ўраға сиқчон тушди, гулдур-гуп» дея Шўхратнинг машинасига ўтириб жўнаб қилишди.

ЎҚУВЧИ ЖИНОЯТНИ ОЧДИ

Вояға етмаган Ўлмас Эгамов Когон туманининг Жанафар қишлоғидан. У ҳар кўнқўйларини Уртачўл қўрғони томиға ҳайдаб бориб ўталади. «Қуйимозор» — Оназовур» каналдан унча ўзо бўлмаган ариқча ёнидан ўтаётиб, беҳосдан қонға беланган жасадни кўриб бола кўржиб кетди. Нима қилиши керак? Бўҳада шу қўрғонда яшайдиган поччаси Нарзиевни топиб, хабар беришға аҳд қилди.

Иброҳим Нарзиев Шароф Рашидов номи жамоа ҳўжалиғи 2-бригадаси даласида ишлаётган эди. Ўлмас нафасини ростлаб олди-ю, поччасиға бор гапни айтиб берди. Кўп ўтмай жиноят фож этилди. Жиноятчилар қилмишлариға яраша жазосини олишди.

Валижон ЮСУПОВ,
журналист

ХУКУКИЙ

Маслаҳатхона

САВОГЛАР ЖАВОБЛАР

Мен шахримиздаги заводлардан бирида ишлардим. 1999 йил ноябрь ойида эрталаб ишга кетаётганимда бир киши бирдан йўлимга чиқиб қолди. Мен машинани иложи борича четга олиб қочдим, лекин барибир у кишига тегиб, бироз жараҳатланди. Бу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, иш судга ошди. Менга бир йилу олти ой озодликдан маҳрум этиш тўғрисида жазо тайинланди. Хукмдан норози бўлиб юқори турмуш судларга бир неча бор мурожаат этдим. Ниҳоят шу ишнинг шонь ойида бўлиб ўтган суд мен мазкур ҳолат юзасидан айбсиз деб топиб оқлов ҳукми чиқарди. Аммо иш жойимда судланганлигим муносабати билан ишдан четлатилган. Мен аввалги иш ўрнимга тиклашларини сўраб борганимда бошлиқимиз «сизга олдинги ишингизни беролмайман, сабаби штат қисқариб кетган» деб айтди. Ушбу ҳолатда нима қилиш керак?

С.Ортиқов, Фарғона вилояти.

Меҳнат кодексининг 271-моддаси талабига кўра, ғайриқонуний равишда судланганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилиши муносабати билан ишдан четлатилган ходимга аввалги иш берилиши лозим, бунинг имконияти бўлмаганда эса (корхона тугатилганлиги, ходимлар сон қисқарганлиги) ёки ишга тиклаш учун монелик қилувчи қонунда назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлган тақдирда унга аввалги ишга тенг бўлган иш берилиши керак. Меҳнат кодексининг мазкур талаблари бажарилмаган тақдирда тегишли тартибда судга мурожаат этиш лозим.

Мен ишлаётган жойида иш вақтида дам олиш ёки тушилик қилиш имкони йўқ. Чунки ишлаб чиқариш шароитига кўра жараёни тўхтатиб бўлмайди. Корхона маъмурияти бундай шароитда тушилик қилиб олиш имкониятини бизга таъминлаб бериши ёки бошқа бирон бир ичтиёз берилиши керакми?

Ҳ.САЛИМОВ, Навоий вилояти.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра иш вақтида ишчиларга дам олиш ва овқатланиш учун вақт ажратиш имкониятини яратиш мумкин бўлмаган ишларда мазкур корхона, ташкилот маъмурияти ишчиларга иш вақти давомида овқатланиб олиш имконини яратиш бериши шарт. Бундай иш давомида овқатланиш тартиби ва шартлари, хусусан бепул овқат билан таъминлаш ёки овқат учун тўлов шартлари маъмурият билан касаба уюшмаси ўртасида келишувга мувофиқ белгиланади. Шунингдек, бу жамоа шартномасида ҳам кўрсатиб ўтилади.

Мен 3 йилдан буён Фаллаворол туманида хусусий нотариус бўлиб ишлайман. Мазкур нотариал идорага қарашли хизмат автомашинаси бўлиб, ушбу автомашинага ёқилги сотиб олишда муаммолар пайдо бўлмоқда. Статистика ва ҳисоблаш марказидан берилган гувоҳнома кодига асосан вилоят нефть маҳсулотлари корхоналари бошқармаси томонидан бизга фонд ажратилмас экан. Бу тўғрисида мен бир неча марта нефть

бошқармасига мурожаат қилдим. Шундан кейин ўз буйруғим бўйича ой бошидан 25000 сўм нақд пул олиб, бензин сотиб олишга сарфлаб келаётган эдим. Яқинда мувофиқлаштирувчи Кенгашидан келган текширувчилар ёқилги учун нақд пул олиб сарфлаш ноқонуний дейишди. Агар шундай бўлса, нима қилиш керак ва қандай йўл тутиш лозим?

Т.Абдуллаев,
Жиззах вилояти

Банкдаги ўз ҳисоб рақамингиздаги маблағлар сизнинг шахсий мулкнингиз ҳисобланиб, ундан сиз белгиланган мақсадларда хоҳлаганча фойдаланишингиз мумкин.

Автомашинагизга ёқилги учун фонд ажратилмаган бўлса, унда ёқилгини ўз ҳисоб рақамингиздан олинган нақд пулга ёки бирон бир ёқилги қўйиш шахобчаси билан шартнома тузиб,

маълум бир литр ёқилги учун пул ўтказиш орқали олиш мумкин.

Ушбу мақсадда қилинган харажатларнинг қонунийлигини таъминлаш учун ёқилги олинган шахобчалардан маълум бир даврда (квартал) ёқилги олинганлиги тўғрисида маълумотнома олиш, бу ҳолатларни тегишли ҳисобот ҳужжатларида акс эттириш лозим.

Хурматли редакция! Сирдарё вилоят ҳукуқ тартибот идораларининг «Адолат кўзгуси» газетасининг 1999 йил 10-19 декабрь сониди Гулистон шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғининг муовини Э.Давкаровнинг мақоласи чоп этилган эди. Унда I-II гуруҳ ногиронлари транспорт воситалари солиғи ёки ер ва мол-мулк солиғидан биридан озод қилиниши, лекин шахс ушбу солиқлардан фақат биттасини танлаши мумкинлиги кўрсатилган.

Мен 38 йил ўқитувчи бўлиб ишладим, айни вақтда нафақадаман. II гуруҳ ногирони бўлганлигим учун туман солиқ инспекцияси бошлиғи Д.Тошматовга ариза билан мурожаат

этиб, мен транспорт солиғидан озод қилишларини сўрадим (юқоридаги мақолага асосан). Аммо Д.Тошматов «Адолат кўзгуси»да берилган мақолада қайд этилган ичтиёзлар нотўғри эканлиги сабабли аризмага рад жавобини берди. Шундан сўнг мен транспорт солиғининг бир қисmini тўлашни мажбур бўлдим.

Бунда ким ҳақ, мақола муаллифими ёки Д.Тошматовми? Шу масалага ойдинлик қилишга ёрдам беришингизни сўрайман.

Йўлдош Чоршанбоев,
Жиззах вилояти, Янгибод тумани.

Тахририятимизга фуқаро И.Чоршанбоевнинг йўллаган хати юзасидан биз Жиззах вилоят прокуратурасига мурожаат этганимизда, вилоят прокурорининг ўринбосари А.Шамсиқуловдан қўйидаги жавобни олдим:

Хат муаллифи И.Чоршанбоев транспорт солиғидан озод этилмаганлиги, ўзи II гуруҳ ногирони эканлиги ва «Адолат кўзгуси» газетасида Гулистон шаҳар ДСИ бошлиғи муовини Э.Давкаровнинг мақоласига асосан транспорт воситаси солиғидан озод этилишини сўраган.

Ушбу мақолада кимлар транспорт солиғидан озод этилиши мумкинлиги аниқ ёритилмаганлиги

сабабли тушунмовчилик келиб чиққан.

Ўзбекистон Молия Вазирлигининг 45-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 97-114-сонли буйруғи, ҳамда Республика Адлия Вазирлигиди 1998 йил 10 январда 392-сон билан рўйхатга олинган «Жисмоний шахслардан олимпиадани мол-мулк солиғи ҳисоблашиши ва бюджетга тўланиши тўғрисидаги Қўлланмасининг V-бўлими 5.1 бандига асосан II гуруҳ ногиронлари транспорт воситалари солиғидан озод этилмаганлиги қайд этилган.

Шунга кўра хат муаллифига Жиззах вилоят Янгибод туман солиқ инспекцияси бошлиғи Д.Тошматовнинг талаблари қонун доирасида эканлиги ҳақида ёзма равишда жавоб берилди.

Жавобларни ҳуқуқшунос Д. ХАЛИЛОВ тайёрлади.

ИСЛОҲОТ ИНСОН УЧУН

Ҳар бир шахс, у дехқон бўладими, ишчиси, ўзининг қонун ҳимоясида эканлигини тўла англамас экан, ишдаги кичкина тўсқин ҳам ошиб бўлмас довол каби тўлаверадди. Холбуки жойларда туман ва вилоят прокуратуралари қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш мақсадида фаолият юритиб келмоқда. Бу борада Бухоро вилоятида ҳам муайян амалга оширилди. Хусусан, ҳар ойнинг биринчи ва охириги шанбаси вилоятда «Тадбиркорлар куни» деб эълон қилинишини ишбилармонликка бўлган юксак эътибор намунаси сифатида тушуниш керак. Шу муносабат билан вилоят, туман ва шаҳар прокуратураларида тадбиркорларни қабул қилиш бўйича махсус жадвал ишлаб чиқилди.

Ўтган даврда жадвал асосида вилоят прокурори томонидан 17 нафар, умумий назорат бўлими ходимлари томонидан 14 нафар дехқон-фермер хўжалиги раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес ҳамда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қабул қилиниб, уларга тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Фўқароларга қўлайлик яратиш ва айрим туманларнинг вилоят марказидан узоклигини эътиборга олиб вилоят прокуратураси раҳбарияти томонидан жойларга чиқиб шахсий қабул уюштириш тўғрисида дастур ишлаб чиқилди.

Ушбу дастур асосида вилоят прокурори Ш.Мухамедов 2000 йил 31 май куни Қорақўл туман прокуратурасида фўқароларни қабул қилди. Қабулга бошқа фўқаролар билан бир қаторда 2 нафар фермер хўжалиги раҳбари, 1 нафар тадбиркор ва 1 нафар фермер хўжалиги тузиш тарафдорлари юрган фуқаро келди.

Жумладан, Қорақўл туманидаги «Нарзибобо» фермер хўжалиги бошлиғи Хўхрат Раҳимов қабулда бўлиб, фермер хўжалиги учун 15 га қўшма ер ажратиш тўғрисида туман ҳокимининг 14 январь 1999 йилдаги 56-сонли қарори бўлишига қарамасдан, «Меҳнатобод» жамоа хўжалиги бошқарувчиси асосини вақтар билан ер ажратиш бермаётганлигини билдирди. Унинг вақтарини ўрганиб чиқиш ва қонуний ёрдам кўрсатиш мақсадида текшириш ўтказиш умумий назорат бўли-

мига топширилди.

Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимига мурожаат қилган тадбиркорлар ва бизнес билан шуғулланувчи шахсларга ҳам ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Масалан, Бухоро шаҳар «Хавзи бодом» кўчаси 93-уйда яшовчи хусусий тадбиркор Раҳмон Саидов жорий йилнинг 23 май куни умумий назорат бўлими прокурори О.Норонинг қабулида бўлиб, шаҳардаги «Карвон бозор» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти унинг бозор расталаридан фойдаланишига тўсқинлик қилаётганлиги сабабли шу масалада ёрдам беришни сўраган Р.Саидовга ушбу масалани ҳал этиш бўйича қонун талаби тушунтирилган.

Умуман, ўтган даврда 242 нафар тадбиркор, ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланувчи шахс ҳамда фермер хўжалиги раҳбарлари турли мавзуларда прокуратура идораларига мурожаат қилишган.

Тадбиркор фўқароларнинг мурожаатлари бўйича олиб борилган текширишлар натижасида уларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлиги, туман ҳокимлари фермер хўжаликлари

бўлими бошлиғи бўлиб ишловчи Улуғбек Эргашев маҳаллий бюджетдан фирма ҳисобига 1 миллион сўм ўтказиб бериш эвазига 200 минг сўм пора талаб қилаётганлигини билдирган.

2000 йил 22 май куни вилоят прокуратураси ва ИИБ ходимлари

наларни рўқач қилиб, уларга ўғитни бермасдан келган. Фақатгина прокуратура аралашувидан сўнг ушбу муаммо ўз ечимини толган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фермер хўжаликлари ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни юксалтириш ҳамда тадбиркорларни қўллаб қувватлаш учун масъул бўлган туман ҳокимларининг ўзи, нафақат тадбиркорларнинг фаолиятига зид, балки қонун талабига ҳам хилоф бўлган қарорлар қабул қилмоқдалар. Ёқидувон тумани бўйича 7 та, Пешку тумани бўйича 26 та ва Қоровулбозор тумани бўйича 4 та шундай қарорга нисбатан протест келтирилган.

Мисол учун, Қоровулбозор туман ҳокимининг 2000 йил 18 мартдаги 81, 82, 83 ва 87-сонли қарорлари билан «Баракабобо», «Шурут», «Хикматобод» ва «Худойбердибобо» фермер хўжаликлари фаолияти тугатилган. Ушбу хўжалик раҳбарлари масалани қонуний ҳал қилишни сўраб туман прокуратурасига мурожаат қилишган.

Ўтказилган текшириш якулари бўйича 2000 йил 4 апрель куни туман прокурори томонидан қонунга хилоф қарорларни бекор қилиш тўғрисида туман ҳокимига протест берилган. Ажабланарлиси шундаки, туман ҳокими ўз хатини тан олиб, уни бартараф қилиш ўрнига келтирилган протестларни қаноатлантиришни рад қилди.

Туман прокуратураси қонунда белгиланган тартибда ҳокимнинг қонунсиз қарори устидан туман судига ариза билан мурожаат этди. Суднинг ҳал қилув қарори билан прокурорнинг аризаси қаноатлантирилди ва ҳокимнинг қонунсиз қарорлари бекор қилинди.

Ислом РАЖАБОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, 1-даражали юрист

ТАДБИРКОРЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ



фаолиятига тўсқинлик қилувчи қарорлар қабул қилаётгани, шартномавий муносабатларда қонун бузилишига йўл қўйиётганлиги аниқланди.

Жумладан, Бухоро шаҳридаги «Саттор Али» хусусий фирмаси директорининг ёрдамчиси Собиржон Шажанов жорий йилнинг 21 май куни ариза билан мурожаат қилиб, қилиб молия бошқармасида соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот соҳасини молиялаштириш

томонидан олиб борилган тезкор тадбир натижасида У.Эргашев соат 18 ларда ўзининг хизмат хонасида хусусий тадбиркор С.Шажановдан 200 минг сўм пора олаётганида қўлга олинди.

Жондор туманидаги «Агрокимё-таъминот» ҳиссадорлик жамияти 2000 йил бошида тумандаги фермер хўжаликлари билан минерал ўғит етказиб бериш тўғрисида шартнома тузиб, маҳсулот ҳақини илгаридан олган бўлса-да, турли баҳо-

СУҲ СЕНГА!

Тонгда қабристонга келган уч аёл терак шохидаги қора қарғанинг бирда-нига «қағ-қағ»лаб юборганидан қаттиқ чўчиб тушишди.

- Кишт-е, ниятинг ўзинга буюрсин!
- Мария ердан кесак олиб, қарғага отди. У эрининг уч кундан бери тинмай тушига кираётганидан хавотирланиб, икки дугонаси билан бу ёққа йўл олганди. Энди эса негадир юраги сиқила бошлади. Кўнглини аллақандай ваҳимали ўйлар кемириб, бу ердан узоқларга қочиб кетгиси келди.

- Тезроқ бўлсанг-чи, - деди у тўрхалтадан имиллаб вино билан биллур қадахлар чикараётган дугонасига.

«Битта сигарет чекганимга шунақа қилиб ўтирсан-я?!» Клара ётиш учун диванга чўзиларкан, ҳамон ғазабдан титтарди. У Мария бир маромда пишиллаб уйкуга кетгач, секин ўрнидан туриб ваннахонага ўтди. У ердан боя ўзи қўл ювганича кўзи тушган болтани олдида, аста ётоққа ўтиб, Мариянинг тепасига келди...

Клара эрталаб кайфи тарқалгач, кеча қилиб қўйган ишидан юраги орқага тортиб кетди. У қонга бўялган болтани апил-тапил ваннада ювди-да, кейин

«ОДДИЙ МАРИЯ»НИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ

- Намунча шовмасанг? Ёки эрим жазмаларимни сезиб қолади, деб кўрқаяпсанми? Кўркма, ўликлар ҳеч нарсани сезишмайди, - пиқиллаб қулди Клара.

«Наҳотки, мен ҳам ўлганимдан кейин ҳеч нарсани сезмасам?! Коля келиб қабрим тепасида мени эслармикин?! Эй, нималар деяпман ўзи? Мунча ўлимни ўйлайвермасам. Эндигина 51 га чикдим-ку. Хали ўлишимга эҳ-ҳе қанча бор» ўйлади Мария.

Аммо вино тўла қадахга лаб теккизиб, эрига жаннатдан жой тиларкан, атрофида дўппайиб турган қабрлар «кел, кел» дея уни ўз қаърига тортаётгандек, баттар қўлимага тушавери.

- Кетамиз, - деди ранги гезариб дугоналарига.

- Қаёққа? Хали ҳаммасини ичмадик-ку?! - кайф аралаш норози тўнгиллади Клара.

- Қолганини уйда ичасан...

Мария дугоналари билан уйда ўтирганида ҳам, Коля исмли хуштори келиб, кўнглини анча «овлаб» кетганида ҳам ҳеч дилхирлиги ёзилвермади.

У ичкилик ичса бироз кайфияти кўтарилшини ўйлаб, жазмани ташлаб кетган 200 сўм пулни олдида дўконга югурди...

- Нега менинг уйимда чекасан? - у қайтиб келиб, Кларанинг сигарет тутати ўтирганини кўрди-ю, жаҳли чиқиб кетди. - Алкаш, фохиша, кет уйимдан!

- Қаёққа бораман?

- Очик мазорга! - Мария яна мазор сўзининг тилга олганидан баттар жаҳли чиқиб, қарганганича ётоққа кириб кетди. Дахлизда қолган Кларанинг эса аламдан юраги ёнди. Бир кўнгли «Боре, уйинг бошингда қолсин» дея эшикни бир тепиб чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо туннинг яримлаб қолганлигини, қолаверса бош уриб борарга бирор макони йўқлигини ўйлаб, ноилоҳ жойига ўтирди.



Хорватияда 5 нафар хорват фуқароси иши юзасидан суд жараёни бошланди. Улар уруш даврида собик Югославия ҳудудидаги 40 нафар серб миллатига мансуб кишининг қатлида айбланмоқдалар. Айбланаётганлар ичиде хорват армияси захирадаги полковниги Тихомир Дрешкович ҳам бор. 1991 йилда, яъни ушбу жиноят содир бўлган вақтда у Госич шахридаги хорват отрядларига раҳбарлик қилган эди.

«Саомон» деб ном олган денгиз тўфони шанба кuni Жанубий Корея ҳудуди бўйлаб ўттиши натижада 2 киши ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб одамлар турли даражада шикастланибди. Корея қирғоқларида турган Индонезияга қарашли танкер қўқиб кетди. Бундан сал олдин танкернинг бутун экипажи эвакуация қилинган эди. Жала қуйилиш оқибатида Кум ва Нектонг дараёлари қирғоғидан тошиб, 2200 гектар шולי майдонларини яроқсиз аҳволга келтирди.

Саудия Арабистони соғлиқни сақлаш тузилмалари ҳодимлари Саудия ва Яман мамлакатига чегаралари яқинида тарқалган номъълум касалликка қарши кураш чораларини кўрмоқда-

ЭССИЗ...

БАҲОР КУНЛАРИНИНГ БИРИДА

Саккизинчи март кuni. Одат бўлиб қолганиданми шу кuni ахли аёл кўнглига нур инади.

- Байрамингиз муборак бўлсин, онажон! Мана бу сизга.
- Вой, нима қилардинг қизим. Ундан кўра болаларингга бир нима олиб едирсанг бўлмасмиди, - деди Пулат момо атир-совун, чой, яна нимадир ўралган қозғоздаги иччилар олarkan. - Ҳа, қалай? Эринг энди жанжал-панжал қилмаяптими?
- Ичиб келсалар, сал жинилик қилади.
- Шу ароқни чикарганлар ҳам ўлсин!

Она-бола ўтган-қайтгандан суҳбат қуришди. Сун Муборак болалиги ўтган кўчалардан юриб, қўни-қўшиларикига кириб чикди. Уйига қайтар экан, онасининг икки юзидан ўпди, бағрига қаттиқ-қаттиқ босди. Орадан уч кун ўтар-ўтмас она қизини соғиниб қолди. Юрагини ваҳима босди. Қизи кўзига кўриниб кетаверди. Тунни уйқусиз ўтказди. Сахарлаб ўғли Фахриддиннинг эшигини қокди. Ўғли чикди.

- Юр, Муборакникига борамиз.
- Нима, тушингизга кирдими? Каллаи саҳарлаб...

- Юр, бўла қол, ўғлим.
- Ўзингиз ҳам ваҳимачи бўлиб қолибсиз. Она кўнглига тушган чўғни қандай тушунтирсин?! «Ўғлим, опангга бир нима бўлганга ўхшайди» дегиси келди-ю, айтолмади.
- Она, сиз уйга бораверинг, ман ўзим хабар оламан. Юрасизми сарсон бўлиб.
- Бўлмаса, тезроқ хабарини менга етказ!
- Сиз хавотир олмагн.

Мансурга алам қилди. Хотини назар-писанд қилмади. Мактабда ўқитувчи эмиш, нима қипти? Уйга улфатларини олиб келомаса. У кунни дарвозанинг олдида акаси билан суҳбатлашиб турганди. Хотини дабдурустдан «Нимага пичирлашасизлар, менинг гийбатини қилаяпсизларми?» деди. Акасига оғир ботди. Кетиб қолди. Бугунги қилиги ҳаммасидан ошиб тушди.

- Уйдаги бир дона швейлерни олиб чиқиб сотганингиз учун милицияга ариза бердим, онамга ҳам айтдим.

- Мубор, ростдан ха милицияга айтдингми?
- Ҳа.

Мансур ойнаи жаҳондаги «Чархпалак»нинг туғашини кутди. Кўзи кинода-ю, хаёли муҳиш бўлиш ичра чарх урарди. Ҳамма ухласин... Милицияга айтибди... Тузуқ хотин бўлса, шундай қилармиди? Ҳали шовмай тур.

Ховлига чикди. Кўкка қаради. Ой юзини қора булутлар тўса бошлади. Чақмоқ қақди. Олам бир лаҳза ёришиб, зулматга чўкди.

Уз эрининг устидан ариза ёзди-я. Аввал сани...

Тандирхонадан арқонни олди. Кузда томга лой чиқарганди. Қотиб қолган кесакчаларни ишқаб эзди, қокди. Уйга кирди. Хотини ухляпти. Озорқ турмулиб турди. Ана, кўзини очди.

- Ўлдирмоқчимисан, ўлдир! - деди хотини кўзларини ола-қула қилиб.
- Мана, ўлдирсам. Мана!

У бирдан арқонни унинг бўйига солиб, қаттиқ тортиди.

- А-а!
Яна қаттиқроқ тортиди. Аёл тинчиб қолди. Қора сержун кўлларига ёпишмоқчи бўлган оппоқ билналар шалвираб тушди. Устига кўрпани ташлади. Енида бир пас ўтирди. Нима қилиб қўйди. Ўзиям айдор, ялиниб-

ёлвориш ўрнига...

Болалари шивирлашди. Катта ўғли чироқни ёқди. Ясининг олдида яқинлашди.

- Аянг ухляпти, бор сен ҳам ухла.
- Аямни бир кўрай.

- Нимасини кўрасан, ухляпти, деяпман-ку!

Онасининг уйқусини бузгиси келмагандай, оҳиста бориб, жойига кирди. Мансур чироқни ўчирди. Ухлаган бўлди. Тинч. Аста кўзгалди. Жасаднинг устидан кўрпани сурди. Қўлтигидан олиб, судради. Молхонага олиб бориб устига сомон ташлади.

Тонгда кўзи илинибди. Уйғониб кетди. Ҳовлида айланди. Изларни оёғи билан текислади. Сомонни очди. Йе, бир ёққа кетган деса, этиги бор-ку. Этикни ҳам сомоннинг остига яширди. Қўлини қокди.

Ўғли кўзини ишқалаб уйдан чикди.
- Дада, аям қани?
- Аянг ишқа кетган.

- Ҳали эртачи-ку, соат ёттидан ишга кетадиларми?

- Бошқа жойда ҳам иши бор экан. Эртачи кетди. Қани бўлинглар, мен сизларни аммангникига олиб бораман.

- Қайси аммангникига?
- Малоҳат аммангникига.

- Йўк, Бўстон аммангникига борайлик.
- Бўпти, қани тезроқ!

Бўстон келинининг қаердалигини сўради. «Кийимларини кийиб чиқиб кетди» дея сингилсидан кўзини олиб қочди ва тез изига бурилди.

Изини йўқотиш керак. Кўмай деса, бироз кўриб қоладигандек. Девордаги гиламини чиқариб сотди. Ичсин, кейин бир гап бўлар. Эртага албатта йўқотади. Эртаси ана ўйлади. Эртага албатта...

Ошхонага кирди. Ароқни очди. Пиелани тўлдириб кўтарди. Дарвоза очилди. Милиция ҳодимлари кўринди.

Жасадни топишди. Унинг айбига икпор бўлишдан бошқа илоҳи қолмаган эди.

Яшаш завокли тулани, табиятга жон қирган бир пайтда инсон ҳаётдан кўз юмди. Йўк, у ўлдирилди. Ваҳшийларча ўлдирилди. Бир вақтлар юзларини майин силаган кўлар уни ўлдирди. Оиладаги бетиним жанжалнинг интихоси бу.

Хотин эрини кўрқитмоқ учун «Милицияга ёзиб бердим» дебди, эр эса жаҳл устида...

Қарши туман прокуратураси терговчиси Ф. Муродовнинг айблов хулосасига назар ташлар эканман, «Аваллига яхши яшарди», «Мансур кейинчалик ҳеч жойда ишламади», «Спиртли ичимликни кўп истеъмол қиладиган бўлди», «Уйига бузуқ қизларни олиб келган», деган жумаларга кўзим тушди.

Э, рўзгордан файзу баракат кўтарилган, оиладан фаришталар юз ўтирган экан-да, деган уйга бордим.

Астафурроллоҳ денг, тинч оилангиз борлиги чун шукроналар айтинг.

Довуд МАҲДИЙ

лар. Мамлакатнинг жанубий-ғарбидаги чегара туманида тарқалган бу касаллик оқибатида вафот этганларнинг сони 30 га яқин. Бу ҳақда маҳаллий газеталар хабар тарқатган. Касалхоналар ўлим келтирувчи бу касалликка чалинганларни қабул қилиш ва даволаш учун тахт қилиб қўйилган.

Касалликни юктирган кишида ҳарорат кўтарилиб, артерия томирлари бўртиб, бўйрак ишламай қолар экан. Аниқланишча, касалликни чивиллар тарқатмоқда, шу сабабли бу ҳудудда уларни йўқотиш чоралари кўрилмоқда. Би-Би-Си мухбири тарқатган хабарга кўра, касаллик тез орада жуда катта ҳудудларга тарқалиб кетиш хавфи бор. Чунки бу ҳудудда дунёнинг турли ўлкаларидан келган мухожир-

лар кўпчиликини ташкил қилади.

Якшанба кuni Перу президенти Альберто Фухимори ўзининг истеъфого чиқишини эълон қилди. Яна шуни қўшимча қилдики, у энди сайловларга ўз номзодини ҳеч қачон қўймоқчи эмас. Фухиморининг сўзларига қараганда, унинг қутилмаганда бундай йўл туттишига ўз атрофидаги маслаҳатчилар ва Перу махсус хизмати раҳбари Владимир Монтесино ўртасидаги можаролар сабаб бўлган.

Шу йилнинг май ойида Альберто Фухимори сайловларда ғолиб чиқиб, учинчи марта Перу президенти этиб сайланган эди. Ҳозирча Перуда президентлик сайлови қачон ўтказилиши аниқ эмас.

СИДНЕЙ — 2000

ОЛИМПИАДА
ОДИМЛАРИ

Олимпиаданинг тўртинчи ва бешинчи кунлари бокс, оғир ва енгил атлетика, мерганлик, сузиш, қилич-бозлик, спорт гимнастикаси бўйича беллашувлар қизгин давом этди. Кеча теннисчилар баҳси ҳам бошланди.

18 сентябрда бўлган маълумотларга кўра, норасмий ҳисобда АҚШ олимпиячилари жамоаси 1-ўринда бормоқда. Улар ҳисобида 13 та медал (6 та олтин, 5 та кумуш, 2 та бронза) бор. Франция спортчилари эса 2-ўринга кўтарилишди (12 медал, шу жумладан 4 та олтин, 6 та кумуш, 2 та бронза медали). Хитой олимпиячилари учинчи (10 медал), австралияликлар 4-ўринда боришмоқда.

Ўзбекистонлик спортчиларнинг натижалари эса ҳозирча қувонарли эмас. Дзюдочиларимиздан А.Мухторов, М.Жумаев, боксчиларимиздан Д.Йўлдошев, Ҳ.Ҳайдаров, сузувчиларимиз ва спорт гимнастикаси бўйича ягона вақилимиз О.Чуковитина, мерганларимиз А.Аксенова, Ю.Шахова, Д.Мухторов баҳсларда муваффақиятсиз иштирок этиб, томошабинлар қаторидан жой олишди.

Икки нафар умидли боксчимиз - Шерзод Ҳусанов ва Алишер Раҳимов эса дастлабки учрашувларини муваффақиятли якунлашди. Шерзод кейинги баҳсда Молдова вақили Виталий Гусака, Алишер эса жазойирлик Ҳосим Билдага қарши рингга чиқди. Кеча бошқа вазн тоифаларида ҳам баҳслар бўлиб ўтди.

Олимпиада майдонлари сенсацияга бой бўлмоқда. Чунки, Бразилия олимпия терма жамоасининг Жанубий Африка футболчиларига ютқазиб қўйиши қутилмаган ҳол бўлди. Учрашув 3:1 ҳисобида тугади.

ҲАЗИЛДАН ТАШҚАРИ
УЧ КАРРА ҚАТЛ

Ушбу воқеани Гиннеснинг рекордлар китобига киритса ҳам бўлади: инсонини бир соатнинг ўзida уч бора қатл эттишди...

Тахминан 47 ёшлардаги эркак кишининг қонлаш жасади тунги соат ихкиларда Менделеевск яқинидаги темирйўлдан топилди. Жасадини ўрганиб чиққан тезкор гуруҳ аъзолар у фақат поезд остида қолиб ўлмаганлигини билдиришди. Марҳум поезд остига ташланмасдан бурун вафот этган. Ўтказилган суд тиббиёт экспертизасининг хулосаси эса бундан ҳам дахшатлироқ бўлди. Экспертиза берган хулосага кўра, марҳум қотиллар томонидан уч маротаба қатл этилган.

Маълум бўлишича, марҳум ўз уйида муқаддам сулланган уч нафар оғайниси билан бирга ўтирган. Ҳаддан ташқари кўп спиртли ичимлик ичилган зиёфат сўнгида собиқ «э-к»ларнинг нияти бузилди. Улар ўз эгасини дўппослаб кетишди. Улардан бири болта билан бир неча марта унинг бошига туширади. Оқибатда жон таслим қилган танани 5-қаavatнинг деразасидан улоқтиришди. Ваҳший қиёфага қирган қотиллар бу билан ҳам қаноатланмай, мурдани темир йўлга олиб келишиб, биринчи учраган поездининг гилдираги остига ташлашди.

ТЕННИС

МАРАТ ЭНГ КУЧЛИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод теннис мажмуида 6 кун давом этган аънавий «Президент кубоги» турнири сайёра-мизнинг энг ёрқин теннис юлдузини дунёга танитди, дейиш мумкин.

Шанба кuni ОАВ россиялик теннисчи Марат Сафинни сайёранинг 1-рақамли теннисчиси дея жар солгандилар. Журналистлар башорати тўғри чиқди. Якшанба кuni Марат «Президент кубоги - 2000» турнири ғолиби бўлиб, дунёнинг том таънодаги 1-рақамли теннисчиси деган номга сазовор бўлди.

Ҳал қилувчи беллашувда италиялик Давид Сангинетти устидан 6:3, 6:4 ҳисобида ғалаба қозониши учун Маратга 1 соат кифоя қилди.

Жаҳон теннис таснифи бўйича Марат Америкалик Пит



Сампрасдан 2 очко юқорига чиқиб олди.

Эслатиб ўта-миз, Марат Сафин сайёранинг энг кучли теннисчиси номига сазовор бўлган иккинчи россиялик теннисчидир (Маълумингизки, Евгений Кафельников би-

ринчи эди). Бундан ташқари Марат мавсумнинг энг сермахсул уйинчиси деб ҳам тан олинди. Марат Тошкентдаги ғалабаси билан АТР - 2000 мусобақаларида 5 марта ғолиблик шохсупасига кутарилди. Ўтган кuni Марат Сафин Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг шахсий самолётида Сидней сари учиб кетди. У елкаларидаги оғрикларга қарамай Олимпияда мусобақаларида ҳам ўз санъатини намойиш этиш ниятида.

Бу йилги «Президент кубоги» турнири юксак ташкилий савияда ўтказилганлигини мусобақага ташриф буюрган мартабали меҳмонлар ҳам мамнуният билан эътироф этдилар. Турнирнинг ёпилиш маросимида сузга чиққан «Президент кубоги» теннис мусобақаси ташкилотчиси Сассон Какшури уйинлар зур муваффақиятлар билан ўтганлигини алоҳида таъкидлади. Шак - шубҳасиз, «Президент кубоги» теннисчилар учун маҳорат бобида янада юқори босқинга кутарилишда, жаҳон спорт майдонларида юксак натижалар билан танилишда алоҳида мактаб вазифасини ўтади.

ҚАЖВ

Ж И Н

(Катталар учун эртақ)

- О, менинг халоскорим, хизматингга тайёрман!

Киёмхоннинг вужудига қалтироқ кирди.

- Кимсан?!

- Мен жинман! Мана шу кўзада минг йилдан буён қамалиб ётгандим. Сен мени озод этдинг. Бунинг эвазига сенинг истакларингни бажо келтиришга тайёрман!

Киёмхон ўзини ўнглаб олди. Қўлингдан нима иш келарди?

- Сенинг хоҳишинг мен учун қонун!

- Менга машина керак.

- Қанақасидан?

- Ҳозирча кичигидан - «Тико» дан бошлай қолайлик. Кейинчалик «Нексия»га ал-


маштириб берарсан... Ха, айтгандай, мен машина тузатишни билмайман. Шунинг учун машина ҳеч қачон бузилмасин, доимо ян-янг бўлиб, ялтираб турсин!

- Бўпти, боравер, ўша айтган «Тико» уйинг олдида ги-жинглаб, кўзни қамаштириб туради, - деб жин кўздан ғойиб бўлганди. Жин ўша кетганча қайтиб қорасини кўрсатмади. Киёмхон ҳам уни қандай қақаришни сўраб олмаган экан.

Жин кўздан ғойиб бўлган, Киёмхон келса, ҳақиқатан ҳам уйининг олдида аҳойиб «Тико» машинаси кўзни қамаштиргудек ялтираб турганмиш. Мана, шунгаём эз эмас, кўп эмас, уч-тўрт йил бўлибдики, «Тико» яп-янгги бўлиб турибди. Нимагаки, Киёмхон ханузгача машинанинг эшигини очолмай жиғибийрон.

Илхом ЗОЙИР

КРОССВОРД



Бўйига: 1. Киев Руси даврида маълум бўлган ичимлик. 2. Ўткир ҳидли, рангсиз суюқлик. 3. АҚШдаги штат. 4. Пойтахтдаги концертлардан бири. 7. Гуржистондаги тоғ тизмаси. 8. А.Навой замондоши, шоир. 9. Тўрт фарштадан бири. 14. Қишлоқ ҳўжалик ўсимликлари учун тупроққа солинадиган ўғит. 16. Мушқил каламуш. 17. Машҳур хинд шахмат устаси. 18. Похл ёки кўздан эшилган арқон. 21. Юзи катта, орқа томонидан даста суқиб қўядиган зўғатаси бор асбоб. 22. Қиъта. 23. Мунис Хоразмийнинг ҳияни, ўзбек шоири ва олими. 26. Ўриши ипак, арқоғи зардан тўқилган мато. 27. Содда сирли тилида,сақлар дилида (мақол). 30. Содда, гўл, художўй одам. 31. Ошқона анжони.

Энига: 5. Болага конфет ёки шоколад совға қилиш энг аҳмоқона одат ҳисобланадиган мамлакат. 6. Қадимий циркуль. 10. Арабча ёзув усулларидан бири. 11. «Судья»нинг тарихий номи. 12. Шимолӣ Америкадаги қўл. 13. Отсимонлар оиласига мансуб хонаки отнинг тури. 15. Тўқ яшил ёки сарғиш яшил талқонсимон модда. 17. Қовун нави. 19. Бирор касалликдан қолган оғир оқибат. 20. Жуда паст йўғон овоз. 24. Табиат ҳодисаси. 25. Италияда яшаган қадимги қабила. 27. Ёгда қовурилган ўн ва қўёмдан тайёрланган тола-тола ширинлик. 28. Адолат ва инсоф билан иш қилувчи. 29. Русча яхна ичимлик. 31. Ўрта ер денгизидagi орол. 32. Бет-қўл ювиш учун ишлатиладиган узун жўмракли бўғизи тор идиш. 33. Италиядаги шаҳар.

Тузувчи: Т.УМАРОВ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 35 - СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ

Эрига: 1. Масал. 6. Ўлқон. 10. Карам. 12. Бердах. 13. Атика. 14. Авсат. 15. Наркоз. 17. Анкета. 18. Наториорт. 24. Верн. 25. Икар. 26. Автобус. 28. Торнадо. 29. Берн. 30. Искен. 34. Архипелат. 38. Ухалия. 39. «Равшан». 40. Итака. 42. Котиба. 43. Малина. 44. Иқлим. 45. Фирма. 46. Манқа.

Бўйига: 2. Аврора. 3. Ағашон. 4. Сарв. 5. Карашма. 7. Патент. 8. Офицер. 9. Обуна. 11. Папах. 16. Заминдор. 17. Аравонлар. 19. Юган. 20. Мезон. 21. Ананд. 22. Чорик. 23. Туген. 27. Пеле. 31. Минтақа. 32. Тулки. 33. Шастри. 34. Альбом. 35. Гамада. 36. Иштиек. 37. Ангар. 41. Крит.

АЛЛАМ - БАЛО

У ЎЗИНИ СОТИБ
ОЛГАНЛАРИНИНГ
ҲАММАСИНИ
СОТДИ

ҚАҲ—ҚАҲА

Янги рус олтин балиқни тутиб олибди. Ўз-ўзидан маълумки, озодлик эвазига учта шарт бажарилиши лозим. Янги рус:

— Мен шунинг истардимки, мен ҳақимда ҳамма яхши гапирса, ҳеч кимдан кўрқмасам ва ҳеч қачон бой-ликларим тўғрисида қайғурмасам.

Олтин балиқ думини бир силқитган эди, янги руснинг дафн маросими бошланди.

Кутубхонада китобларни қайтадан рўйхатдан ўтказишмоқда.

— Еттинчи саҳифада тешик бор, деди янги кутубхоначи ва саҳифани ағдариб, илова қилди, - саккизинчи саҳифада ҳам.



Бир шаҳар туғруқхонасининг пештоқига йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилибди: «5 - шаҳар марказий аёллар туғруқхонаси».

Сочлари тўқилиб кетган одам қуюқ сочли оғайнисига деди:

— Ҳар ҳолда менинг ўзимга яраша устуликларим бор. Масалан, аёл киши билан учрашувга бориш олдида галстугимни тузатаман, холос.

— Алло, бу номер 33-29-555 мн — Э-э, нималар деяпсиз, бизнинг уйда умуман телефон йўқ.